



Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идора раиси, муфтий

КЎЗЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ

Фарзанд Аллоҳ таолонинг сон-саноқсиз неъматлари ичида энг улуғларидан бири, дунё ҳаётининг зийнатидир. Аллоҳ таоло: «Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаётининг зийнатидир...» (Каҳф, 46), деб марҳамат қилади.

Ҳар бир ота-она бу буюк неъматнинг қадрига етиши, бурчини муносиб адо этиши керак. Яъни, энг олдин унга чиройли исм қўйиши, яхши таълим-тарбия бериши, Аллоҳ таоло розилигини топадиган, миллати, Ватани ва ота-онасига муносиб фарзанд, тенгдошлари ҳурмати ва муҳаббатини қозонган етук инсон бўлиши борасидаги вазифаларини чин ихлос ва садоқат билан бажариши керак.

«Эй имон келтирганлар! Ўзларингни ва оила аъзоларингни ёқилғиси одамлар ва тошлар бўлмиш дўзахдан сақлангларки, унда дағал ва қаттиққўл, Аллоҳ буюрган нарсага итоатсизлик қилмайдиган, фақат буюрилган ишни қиладиган фаришталар (хизмат қилурлар)» (Таҳрим, 66).

Ислом дини ёш авлод тарбиясига катта аҳамият беради, ҳартомонлама комил инсонлар бўлиб етишишларини талаб қилади.

Пайғамбаримиз (соллаллоху алайҳи ва саллам): «Болаларинг ва аҳли аёлларингга яхшилик қилишни ўргатинглар ва уларга чиройли одоб беринглар», деб марҳамат қилганлар.

Ислом таълимоти фарзандлар зиммасига ҳам қатор вазифаларни юклайди.

«Раббингиз Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етишса, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт! Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода): “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!” де» (Исро, 23-24).

«Уларга ёқимли сўз айт» деб буюрилганида ота-онага дағаллик қилмаслик, “отажон, онажон” каби сўзлар билан муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини хокисорлик билан тутиш кабиларни тушуниш керак (Насафий ва Хозин тафсирулари).

«...Аллоҳга бирор нарсани шерик қилманглар! Ота-оналарга эса яхшилик қилинглар!..» (Нисо, 30).

«...Сен Менга ва ота-онанга шуқр қил! Қайтиш Менинг ҳузуримгадир» (Луқмон, 14).

Ислом таълимотида ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва бақувват бўлиб улғайишига жиддий аҳамият берилган.

Ҳозир мамлакатимиз аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Уларнинг улғайиб, комил инсон бўлишлари учун давлатимиз барча зарур моддий ва маънавий шароитларни, спорт иншоотларини, дам олиш ва истироҳат масканларини барпо қилиб, ёшлар ихтиёрига бериб қўйди.

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган йилданоқ болалар ва ўсмирларнинг жисмонан соғлом ва бақувват, руҳан бардам ва баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча шароитларни муҳайё қилишга киришилди. Ҳурматли Юртбошимиз ташаббуслари билан 2005 йил «Оналар ва болалар йили», ўтган 2008 йил эса «Ёшлар йили» деб эълон қилинди, махсус дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди.

Барчамизга яхши маълум, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг, айниқса, ўсмирларнинг соғлом ўсиб-улғайиши, илм олиши, касбуна эгаллаши учун барча имконият ва шароитлар яратилмоқда. Бу борада жамоат ташкилотларининг ҳам ўрни каттадир. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Соғлом авлод учун», «Болалар», «Меҳр нури», «Сен ёлғиз эмассан», «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш», «Меҳршафқат ва саломатлик» ва «Мактаб таълими» каби жамғармаларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

Шубҳасиз, ота-она, оила, маҳалла ва мактаблар болалар тарбиясида муҳим ўрин тутади. Уларга чиройли одоб-ахлоқ, яхши таълим-тарбия бериш, комил инсонлар қилиб вояга етказиш давлат миқёсидаги долзарб масала.

(Давоми 5-бетда)



ҒИЙБАТЧИ ЖАННАТГА КИРМАЙДИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَتَأْتِيهِمُ الَّذِينَ ءَامَنُوا أَجْتَبَبُوا كَثِيرًا مِّنَ الظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ الظَّنِّ إِثْمٌ
وَلَا تَجَسَّسُوا وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا أَنُحِبُّ أَحَدَكُمْ أَن يَأْكُلَ
لَحْمَ أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ وَاتَّقُوا اللَّهَ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾

«Мўминлар! Кўп гумондан сақланинглар, чунки баъзи гумонлар гунохдир. Айб қидирманглар. Бирларинг бирларингни ғийбат қилмасин! Сиздан кимдир ўлган қардошининг гўштини ейшни яхши кўрадимиз?! Бунинг ёмон кўрдиларинг! Аллохдан кўрқинглар! Аллох тавбаларни қабул қилувчи ва меҳрибондир» (Хужурот, 12).

* * *

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар:

«Ёмонларингиз кимлигини айтаман: одамлар орасида ғийбат қилувчи, оға-инилар орасини ажратувчи, айбсизларнинг хатоларини кидирувчи» (Имом Аҳмад).

* * *

«Ғийбатчи жаннатга кирмайди» (Имом Бухорий ва Имом Муслим).

* * *

Ҳасан айтади: «Ким сизнинг олдингизда бировни ғийбат қилса, бошқанинг олдида сизни ғийбат қилади».

«HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Тахрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ
Абдулазиз МАНСУР
Абдураззоқ ЮНУС
Ортиқбек ЮСУПОВ
Нуриддин ҲОШИМОВ
Анвар ТУРСУН
Аҳад ҲАСАНОВ
Зоҳиджон ИСЛОМОВ
Абдулҳамид ТУРСУН
Баҳодир КАРИМОВ
Эркин МАЛИК
Муҳаммад Шариф ЖУМАН
Юсуфжон ИСҲОҚ
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ
Абдул Жалил ХЎЖАМ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Аҳмад МУҲАММАД

Муқова

«Voris Design» маркази билан
ҳамкорликда тайёрланди.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Матни

Раҳима КАРИМЖОН қизи ҳамда Зебунисо терди.

Манзилимиз:

100069 Тошкент шаҳри
Зарқайнар 18-берк кўча 47а-уй;
Тел: 240-45-62, тел.факс: 227-34-30.
Интернет сайтимиз: www.hidoyat.uz
Интернет почтаимиз: hidoyat_jurnali@mail.ru
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0177.

Босишга 2009 йил 16 июлда рухсат берилди.
Босмаҳонага 2009 йил 20 июлда топширилди.
Қоғоз бичими 60x84^{1/8}. Адади 29000. 555-сон буюртма. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида босилди.

Қўлэмалар қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Келтирилган иқтибос
ва рақамлар учун муаллиф масъул.

Хат юборилганида исмлар тўлиқ, манзил аниқ ёзилсин.

Мақолалар кўчириб босилса ёки иқтибос олинса,
«Ҳидоят»дан олингани кўрсатилиши шарт.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Яхшиликка чақириш | |
| Усмонхон АЛИМОВ | |
| Кўзларимиз қувончи | 1 |
| Таянч нуқта | |
| Ғийбатчи жаннатга кирмайди | 2 |
| Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили | |
| Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ | |
| Қишлоқлар оралаб | 6 |
| Ҳадис шарҳи | |
| Абдулҳамид ТУРСУНОВ | |
| Дин насихатдир | 9 |
| Мутолаа | |
| Имом ЗАРНУЖИЙ | |
| Зеҳни кучайтириш учун | 11 |
| Огоҳлик | |
| Алишер НАИМОВ | |
| Меҳнатни севган сабрли бўлади | 12 |
| Мовароуннаҳр уламолари | |
| Олимхон ЮСУПОВ | |
| Абдуллоҳ ибн Муборак | 14 |
| ЎМИ ҳаёти | |
| Буюк алломага эҳтиром | 15 |
| Олисларга саёҳат | |
| Аҳмад ТУРСУН | |
| Малта Республикаси | 16 |
| Насихат | |
| Эргаш АТОЕВ | |
| Бағридош бўлмайлик | 19 |
| Тадқиқот | |
| Нилуфар ТҮЙЧИЕВА | |
| Улуғ тарихчи олим | 23 |
| Аёллар саҳифаси | |
| Дилбар РАҲМАТОВА | |
| Ўзимиз ўрнатқан бўлайлик | 24 |
| ОҚИЛА | |
| Яхшиликда ҳикмат кўп | 25 |
| ЧЎЛПОНОЙ | |
| Мўмин мўминга кўзгу | 25 |
| Сайёра АБДУҒАФУР қизи | |
| Холис ният | 25 |
| Маълумотхона | |
| Фахриддин МУҲАММАДИЕВ | |
| Сулс хати қандай ёзув? | 26 |
| Тошкент шахрининг 2200 йиллиги | |
| Ғулумжон БОБОЖОНОВ | |
| «Шарафийбой» мадрасаси | 27 |
| Ёмонликдан қайтариш | |
| Абдуллоҳ ИСМОИЛ | |
| Шухрат либосини кийманг | 28 |
| Мактубларда манзаралар | |
| ШАРИФА | |
| Илмга қизиқтириш йўли | 29 |
| Адашали БЕКМИРЗАЕВ | |
| Ҳайдовчининг ҳиммати | 29 |
| Мерос | |
| Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ | |
| «Усулуш Шоший» муаллифи | 30 |
| Ибрат | |
| Зумрад ФОЗИЛЖОН қизи | |
| Дилзорликдан асрасин | 32 |

Муқованинг 1-саҳифасида: Қувасой шахри “Ислом” жомеъ масжиди. Хайруллоҳ Қудратуллоҳ суратга олган.

Фикҳ

Бурҳонуддин МАРФИНОНИЙ

РЎЗАГА НИЯТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

4

Рамазон ойининг рўзаси фарздир. Бунга Аллоҳ таолонинг «Сизларга рўза тутиш фарз қилинди» мазмунли Сўзи асос. Унинг фарзлигига ижмоъ бўлган.

Назр қилинган рўза эса вожибдир. Бунга Аллоҳ таолонинг: «Назрларини тўла адо қилсинлар» мазмунли Сўзи асос.

Саҳобалар ҳаёти

Абулфараж Абдурахмон ибн ЖАВЗИЙ

АБДУЛЛОҲ ИБН АББОС

10

Авзоъий айтади: «Умар ибн Хаттоб Абдуллоҳ ибн Аббосга: “Аллоҳга қасам, сен ёш йигитларимизнинг энг гўзал юзлиги, уларнинг энг оқили ва Аллоҳнинг (азза ва жалла) китобини тушунишда энг фақиҳи-дирсан”, деди».

Яхшиликка чақириш

Аҳмад МУҲАММАД

СЎЗЛАШДАН МАҚСАД АНГЛАТИШДИР

18

Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) сукутлари узун бўларди. Гапирсалар, орқама-орқа сўзламасдилар, балки тўхтаб-тўхтаб ва яхши тушунилиши учун сўзларни такрорлаб-такрорлаб гапирардилар.

Солиҳ салафлар оз сўзлашни, сўзлашса ҳам фақат зарур, рост, фойдали сўзлашни одат қилишган, бошқаларни ҳам шунга чорлашган.

Хабарлар

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Мушфафни яхши сақлаш учун

Американинг “Wei’TO” компанияси мутахассислари Қуръони каримнинг энг қадимги қўлёзма нусхаларидан бири Тошкентдаги Ҳазрати Усмон Мушфафини таъмирлаш ишларида қатнашишмоқда.

22



Бурҳонуддин МАРҒИНОНИЙ

РЎЗАГА НИЯТ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

“Рўза икки хилдир: вожиб ва нафл”.

Вожиб рўза ҳам икки хилдир: бири муайян замонга боғлиқ. Унга рамазон ойининг рўзаси ва вақти тайин қилинган назр рўза кирилади. Бу рўзаларни кун ботганидан ният қилиб тутиш мумкин. Агар тонг отгунича ният қилинмаган бўлса, тонг билан завола орасида ният қилса ҳам бўлади.

Рамазон ойининг рўзаси фарздир. Бунга Аллоҳ таолонинг «Сизларга рўза тутиш фарз қилинди»¹ мазмунли Сўзи асос. Унинг фарзлигига ижмоъ бўлган.

Назр қилинган рўза эса вожибдир. Бунга Аллоҳ таолонинг: «Назрларини тўла адо қилсинлар»² мазмунли Сўзи асос.

Биринчисининг³ сабаби рамазон ойидир, шунинг учун унга боғланган. Рамазон ойининг ҳар бир куни ўша кун рўзасининг вожиб бўлишига сабабдир.

Иккинчисининг⁴ сабаби назр қилишдир.

Ният рўзанинг шартларидан бири.

Заволдан сўнг қилинган ният ҳам ҳисоб бўлмайди. Зеро, ният куннинг кўп қисмида бўлиши керак. Куннинг ярми завола вақтигача эмас, балки тонг отганидан катта чошгоҳ вақтигачадир. Шу боис ният куннинг кўп қисмига бирикиши учун катта чошгоҳдан олдин қилиниши шарт.

Рўзанинг бу хили мутлақ⁵ ният билан, нафл ёки бошқа вожиб рўза ният билан адо этилади.

Чунки фарз рўза рамазон ойига белгиланган. Шунинг учун мутлақ ният билан тўғри бўлади.

Қудурий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Вожиб рўзанинг иккинчи хили рамазон рўзасининг қазоси, вақти тайин қилинмаган назр рўза ва каффорат рўзаси каби зиммага вожиб бўлган



рўзалардир. Уларга кечаси ният қилинмаса бўлмайди”.

Чунки уларнинг вақти белгиланмаган. Шунинг учун бошланишидан⁶ ният қилиниши керак.

“Барча нафл рўзалар заволадан олдин қилинган ният билан бўлади”.

Чунки Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) рўзага ният қилмай тонг оттирганларидан сўнг: «...Ундай бўлса⁷, мен рўзадорман», деганлар.

Шак куни нафл рўзадан бошқа рўза тутиш мумкин эмас.

Бунга асос Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Рамазондан эканига шубҳа қилинган кунда нафл рўзадан бошқа рўза тутилмайди”, деганларидир.

Қудурий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: “Ким рамазоннинг янги ойини бир ўзи кўрса, имом унинг гувоҳлигини қабул қилмаса ҳам, рўза тутати”.

Бу ҳукм Пайғамбарнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ойни кўриб рўза тутинглар, ойни кўриб рўзаларингни очинглар”, деганларига кўрадир.

Агар у тутган рўзасини очиб юборса,⁸ унга каффорат эмас, қазоси вожиб бўлади.

Қудурий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Агар осмонда иллат бўлса, имом янги ойни кўриш ҳақида бир адолатлининг, у эр ё аёл, ҳур ё кул бўлса-да, гувоҳлигини қабул қилади”.

Чунки янги ойни кўриш диний ишдир. Демак, ҳадис ривоят қилишга⁹ ўхшайди.

Қудурий (раҳимаҳуллоҳ) айтадилар: “Агар осмонда иллат бўлмаса, хабарлари билан аниқ маълумот ҳосил бўладиган кўпчилик янги ойни кўрмагунларича бирор гувоҳлик қабул қилинмайди”.

Чунки бундай ҳолатда ёлғиз бир кишининг янги ойни кўриши шубҳа туғдиради. Шунинг учун бу борада кўпчилик бўлгунича кутиб туриш керак бўлади.

Сўнг “кўпчилик”нинг миқдори “маҳалла аҳолиси” дейилган. Абу Юсуфдан (раҳимаҳуллоҳ) қасоматни¹⁰ назарда тутиб, эллик киши, деганлари ривоят қилинган. Бу масалада¹¹ шаҳар аҳолиси билан шаҳар ташқарисидан келганларнинг ўртасида фарқ йўқдир.

Қудурий (раҳимаҳуллоҳ) айтади: “Ким фитр ҳайит ойини бир ўзи кўрса, оғиз очмайди”.

Бу эҳтиёт юзасидандир. Рўзада эҳтиёт мувофиқ¹² бўлишдадир.

Кудурий (раҳимахуллох) айтадилар: “Агар осмонда иллат бўлса, фитр ҳайит ойини кўриш борасида фақат икки эр ёки бир эру икки аёлнинг гувоҳлиги қабул қилинади”.

Чунки унга бандаларнинг фойдаси — оғиз очиш — боғлиқдир. Шунинг учун у бандаларнинг бошқа ҳуқуқларига¹³ ўхшайди. Қурбон ҳайити “Зоҳир ривоя”га кўра, бу масалада¹⁴ фитр ҳайити кабиридир. Ва бу асаҳдир.

“Агар осмонда иллат бўлмаса, фақат хабарлари билан (аниқ) маълумот ҳосил бўладиган кўпчиликнинг гувоҳлиги қабул қилинди”.

Бунга сабабини айтиб ўтдик.¹⁵

Кудурий (раҳимахуллох) айтадилар: “Рўзанинг вақти иккинчи тонгдан¹⁶ қуёш ботгангачадир”.

Бу ҳукм Аллоҳ таолонинг: **“Тонгдан оқ ип қора ипдан ажраладиган пайтгача ебичаверинглар. Сўнгра кечгача рўзани камчиликсиз қилиб тутинглар!”** мазмунли сўзига кўрадир.



Оқ ип билан қора ип кундузнинг ёруғлиги билан кечанинг қоронғилигидир.

Рўза ейиш-ичишдан ва жинсий яқинликдан кундузи¹⁷ ният билан тийилишдир. Чунки унинг ҳақиқий луғавий маъноси ҳам шу, яъни, емак-ичмакдан ва жинсий яқинликдан тийилишдир. У ана шу маънода ишлатилган. Бироқ унга шариятда, ибодатни одатдан ажратиш учун, ният қўшимча қилинган. Ўқиганимизга асосан у кундузига хосдир. Зеро узлуксиз¹⁸ рўза тутиш қийин бўлганидан, одатга зид бўлиши учун, кундузни тайин этиш муносибдир. Ана шу¹⁹ ибодатлар асосидир. Ҳайз ва нифос қонидан тоза бўлиш аёллар учун рўзани адо этиш шартидир.

(“Ҳидоя” китобидан қисқартириб олинди.)

¹ Бақара, 83.

² Ҳаж, 28.

³ Рамазон рўзасининг.

⁴ Назр рўзасининг.

⁵ Рамазон рўзасига ва вақти белгилаб назр қилинган рўзага “рўза тутишга ният қилдим”, деб ният қилиш.

⁶ Кечасидан.

⁷ Аёлларидан: “Сизларда бирор егулик борми?” деб сўровларига улар: “Йўқ” деб жавоб беришганида.

⁸ Янги ойни кўриб рўза тутгач, имом кўрганини қабул қилмаганидан сўнг, рўзасини очса.

⁹ Одил бир киши ривоят қилган ҳадис қабул қилинади.

¹⁰ Қотил эканларини даъво қилганга қарши қотил эмасликларига қасам ичиш.

¹¹ Осмон очиқ бўлганида янги ойни кўргани ҳақидаги гувоҳликнинг қабул бўлмаслиги.

¹² Ҳамма билан бирга рўза тутишни бошлаб, бирга тугатиш.

¹³ Бандаларнинг ҳақларига гувоҳликда гувоҳлар сони, озодлиги ва адолати шартдир.

¹⁴ Осмонда иллат бўлганида.

¹⁵ “Ёлғиз бир кишининг кўриши...”

¹⁶ Субҳи содиқдан.

¹⁷ Саҳардан қуёш ботгангача.

¹⁸ Кеча ва кундуз.

¹⁹ Одатга зид бўлиш.

КЎЗЛАРИМИЗ ҚУВОНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): **“Ҳар бирингиз бир раҳбарсиз ва қўл остингиздагилар ҳақида масъулсиз”**, деб марҳамат қилганлар.

Буюк аллома ҳамюртимиз Абу Али ибн Сино фарзанд тарбияси ҳақида васият қилиб, бундай деган эди: “Ёш бола таълим-тарбия оладиган жойда одоб-ахлоқли, туриш-турмуши намунали болалар бўлиши лозим. Зеро, ёш бола ҳар бир нарсани уларга тақлид қилиб ўрганadi ва улар билан дўст бўлади”.

Фарзандларни ёшлик чоқларидан бошлаб илм-маърифатга қизиқтириб, ўргатиб бориш лозим. Зеро, илму фаннинг қайси соҳасига бўлса ҳам қизиқиб, ўқиб-ўрганиб, билим эгаллаган киши ўзи, оиласи, халқи ва Ватани учун фойда келтирадиган инсонлар қаторидан жой олади, иншааллоҳ.

Айниқса, шу кунларда таълим муассасаларида ўқишни тугатиб, ёзги таътилда юрган фарзандларимизга алоҳида эътиборли бўлишимиз зарур. Уларнинг мириқиб дам олишларига қулай шароитлар яратиб берайлик. Фарзандларимизни кўча-кўйда беҳуда тентираб, бўлмағур, ножўя хатти-ҳаракатлар қилишдан сақлайлик, чиройли одобга чақирайлик.

Фурсатдан фойдаланиб, юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Рамазон ойи билан табриклайман. Муборак ой таширфи билан Аллоҳ таоло оилаларимизда меҳр-муҳаббатни, маҳаллаларимизда аҳил-иноқликни зиёда қилсин, азиз Ватанимизда тинчлик-хотиржамликни янада мустаҳкам айласин.



Наманган вилояти

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан тахририят ходимларининг Фарғона водийига ижодий сафари Наманган вилояти Чуст туманидан бошланди.

Чуст туманида 222 минг аҳоли яшайди. Тумандаги 63 маҳалладан қирқтаси, ўн олти жоменинг ўн учтаси қишлоқларда. Биз Чуст шаҳри “Мавлоно Лутфуллоҳ” жомеига етга-

каласи ёзган “XIX–XX асрларда яшаб ўтган чустлик аллома-лар” рисоласини тақдим этди.

Чуст донғи чиққан хунароманд, уста ва деҳқонлар юрти. Чуст дўпписи ва пичоғини юртимизда билмайдиган киши йўқ. Деҳқонлари етиштирган ғалла, сабзавот ҳам машҳур. Ундан ҳатто пойтахт аҳли ҳам баҳраманд бўлади.

Равон йўлда далалару қишлоқлар оралаб борардик. Икки

сўфи бобо”, “Иброҳим Халилulloҳ” жомеъ масжидлари бор. Минг тўққиз юзинчи йили қурилган “Тоймас” (туркий уруғ номи) жомеи совет даврида омборхона бўлган. Мустақилликдан кейин яна намозхонлар ихтиёрига берилди. 2000 йили кўшимча айвон солинган бўлса, яқинда янги таҳоратхона ишга тушди.

Туманнинг Фова, Балиқчи қишлоқлари тоғларга туташ. Ба-

ҚИШЛОҚЛАР ОРАЛАБ



нимизда пешин намозига азон янграб қолди. Қавм кўпчилик эди. Ибодатдан кейин кекса отахонлар масжидда шароит йилдан-йилга яхшиланиб бораётганидан мамнун эканларини айтишди.

Қишлоқ масжидларини кўриш мақсадида туман бош имом-хатиби Ҳафизуллоҳ Маҳкамов ҳамроҳлигида йўлга тушдик. Йўл-йўлакай “Сайид Насимхон тўра” жомеига кирдик. Ўтган аср бошида қурилган бу масжид совет даврида дорихона қилиб қўйилган. 2000 йили маҳалла аҳли ҳашар қилиб, раҳматли Мир Аҳмад Махсум бошчилигида масжидни таъмирлашди. Барча пардозлаш ишларини чустлик усталар бажаришди. Масжид имом-хатиби Баҳодир Шарипов Чустда ўтган уламо-лар ҳаётига қизиқар экан. У бизга Рашидхон Қодирхонов ик-

томон кета-кетгунча тутқатор, пайкалларда бугдойлар етилиб турибди. Йиллик пилла режаси ошиғи билан бажарилибди, ғалла ҳосилининг чўғи баланд. Ҳафизуллоҳ Маҳкамов айтишича, туманликлар режани икки барабар қилиб бажаришни кўзлашяпти экан.

Йўл четларидаги симёғочлар тепасига уя қурган лайлақларга ҳавас билан қараймиз. Лайлақлар табиат ифлосланиши натижасида кетиб қолишган экан, кейинги йиллар яна қайтиб келишибди. Лайлақларга ҳеч ким тегинмайди, улар ҳам шу ернинг аҳли, бола очиб кўпайишмоқда.

Ўттиз беш мингга яқин аҳоли яшайдиган машҳур Олмос қишлоғида 2008 йили 970 ўринли иқтисодиёт коллежи қурилди. Буниси тумандаги ана шундай литсей ва коллежларнинг тўққизинчиси эди.

Олмосда “Тоймас”, “Эшон

лиқчи қишлоғида 600 хўжалик бор. “Балиқчи” жомеъ масжиди ҳам ўтган асрнинг бошида қурилган. Масжид ҳовлисида тарвақайлаб кетган тут дарахти эътиборни тортади. Айтишларича, ёши уч юз йигирмадан кам эмас экан. Тутнинг чап томонида булоқ бўлиб, суви зилол ва ширин. Бутун қишлоқ унинг сувидан баҳраманд.

Балиқчига туташ Фова қишлоғи жомеъ масжиди ҳам таъмирланыпти. Ақча қишлоғидаги “Имом Қулбой” жомеи эса замонавий талаб асосида қайтадан қурилади. Каркидон қишлоғи масжидида таҳоратхона қуриляпти.

Кордон қишлоғи аҳли номига муносиб жуда ишчан, тадбиркор, дейди Ҳафизуллоҳ ака. Улар қўша-қўша мол боқишар, бутун Чуст туманини қаймоқ-қатиқ билан таъминлашар экан. Айтишларича, улуг шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур муҳим сафар олтидан шу қишлоқда бир тўхтаб ўтган.





Қишлоқнинг “Ойхон тўра” жомеъ масжидида бўлганимизда ёши улуг уч-тўрт отахон китоб ўқиб ўтиришгани устидан чиқдик. Бу масжид ҳам яқин орада кенгайди, ёнидан 6 сўтих ер олинибди. Бир пайтлар кинохона бўлган бинони жомега кутубхона қилиб беришибди.

Тўрақўрғон туманига ўтдик. Аҳолиси икки юз минг атрофида. Туманда ўн битта жомеъ бор. Туман бош имоми Шокиржон Абдулхайитов жомеларнинг 80 фоизиди қурилиш, таъмирлаш ишлари кетаётганини айтди. Туманнинг марказий “Исфакхон” жомеида катта хонақоҳнинг олд қисми, меҳробни қайта созланди, деразалари янгидан ўрнатилди, ҳовли усти ҳам ёпилди.

Бекобод қишлоғидаги “Абдуваҳҳоб қори” жомеъ масжидида эса усталар янги айвон тиклашаётган эди. Усталар ишидан мамнун, дуо қилиб ўтирган отахонлар бу йилги яхши хабарларни айтиб беришди.

Косонсой тумани билан Тўрақўрғоннинг Бекобод қишлоғи орасидан каттагина сой оқиб ўтади. Эни 25-30 метр келадиган ана шу сойга кўприк қуриладиган бўлибди.

Бундай ўзгаришларни туманнинг Яндама қишлоғидаги “Яндама” масжидида ҳам кўрдик. Масжид ёнлари кенгайтирилиб, асфалт ёткизилган. “Кўчқор ота” ва “Хонақоҳ” жомеъ масжидларида эса таҳоратхоналар қуриляпти.

Уйчи туманида 189 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Тумандаги ўн учта масжиднинг ўн икитаси жомеъ ҳисобланади. Маъшад қишлоғи “Умарул Форуқ” жомеъ масжиди девори қайтадан урилиб, хонақоҳ кенгайтирилди, қўшимча айвонлар солинди. Ҳовли тепаси тунука билан ёпилди.

Ўнҳаёт шаҳарчаси “Машҳад мазор” жомеи қадимий масжид-

лардан. Унга 1886 йили асос солинган. Аммо совет даврида ҳароба ҳолга келиб, ҳатто ҳовлисидаги чинорлар ҳам қуртқумурсқага ем бўлган эди. Ҳозир эса, жоменинг кичкина хонақоҳи обод қилиниб, таҳоратхона қурилган.

Туман марказидаги “Худойберди Эшон” жомеъ масжидида яқинда янги таҳоратхона фойдаланишга топширилди. Шу кунларда гиштин айвон солин-япти.

Янгиқўрғон тумани вилоят шимолий шарқида, тоғ-даштли ҳудуд. Майдони катта, аҳолиси нисбатан камроқ (75 мингга яқин). Тумандаги йигирмата жомеъ масжиднинг кўпиди қурилиш-таъмирлаш ишлари кетаётган экан.

Туман марказида жойлашган “Беш булоқ” жомеъ масжидида ўтган йили 30 метрли иккита минора тикланди. Айни пайтда асосий бино пештоқи сувоқдан чиқарилмоқда.

Ровут қишлоғи “Исҳоқ



ҳожидан”, Бозор кўчадаги “Бобойи хандон” (200 йил илгари қурилган) масжидларида ҳам шароитни яхшилашга ҳаракат қилишган, лекин таҳоратхоналари талаб даражасида эмас.

Норин туманида Норинкапа қишлоғидаги “Ғойиб бува” жомеъ масжидининг ихчамгина хонақоҳи шаҳар масжидларидан қолишмайди. Ерга бир хил қилиб чиройли гиламлар солинган. Яқинда дарвозаси янгиланибди. Чўжа қишлоғи худуди-



даги “Қурбон ота” жомеи ҳам шундай обод масжидлардан.

Туманнинг чекка қишлоқларидан бирида жойлашган “Аҳмад Али” масжиди имомхатиби Ҳабибуллоҳ Маҳмудов бизга янги хонақоҳ учун ажратилган каттагина жойни кўрсатди. Ҳовлида ўсаётган японларнинг сапура дарахти ҳам ҳали бу жойда кўзни қувонтирадиган кўп ўзгаришлар бўлишидан дарак бериб тургандек.

Тўда қишлоғи жомеъ масжиди ҳам таъмирланаётганининг гувоҳи бўлдик.

Мустақиллик йиллари ҳашар йўли билан тикланган “Ҳаққулобод” жомеи ҳам борган сари обод бўляпти. Таҳоратхона замонавий талабда қайтадан қурилди. Масжид ҳовлисида норинлик усталар тер тўкишаётгани устидан чиқдик. Фақат бир муаммо — масжидга борадиган йўл тор экан, ҳозир уни кенг ва равон қилиш бора-сида маслаҳатлашиляпти.

Фарғона вилояти

Фарғона вилояти масжидларининг саксон фоизи қишлоқларда жойлашган. Вилоят масжидлари билан танишишни Қувадан бошладик.

Совет даврида бирорта ҳам масжид бўлмаган Қувادا ҳозир саккизта жомеъ ишлаб турибди. Ушбу масжидларнинг олтитасида янги таҳоратхона қуриляпти. Туман марказидаги “Абу Ҳанифа” жомеига кираверишда маиший хизмат бинолари барпо этилади.



Очиғи, биз кўрган туманлар орасида Куvasой масжидларида яратилган шароитлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Куvasой марказидаги “Ислом” жомеъ масжидига фақат шаҳар аҳли эмас, теvarак қишлоқлардан ҳам намозхонлар келишади. Ойнаванд саккиз хонақоғга бўлинган жомеда ҳамма шароитлар бор. Чиройли минбарни андижонлик усталар ясаган, нурли қандиллар Хитойдан келтирилган. Хузурланиб ибодат қиласиз. Жомедаги икки кутубхонадан биттаси хонақоғ ичкарасида. Келганлар намоздан олдин ё кейин китоб ўқишлари мумкин.

Валик қишлоғидаги “Валий-уллоқ” масжидининг эски хонақоғини 1916 йили уста Пиён қурган. Мустақиллик йиллари бу хонақоғнинг икки ёнига янгилари қўшилди. Яқинда замонавий таҳоратхона қуриб битказилди. Масжид ҳовлисига ўрнатилган мослама ёрдамида 180



Водил қишлоғидаги “Хўжа Аҳмад Валий” жомеъ масжиди обод масканлардан. Туманда худди шундай ўн бешта жоменинг эшиги ҳамиша очиқ. Чимён қишлоғидаги “Хувайдо” мажмуаси йирик шаҳарлардаги гўзал хиёбонлардек кенг ва сўлим, боғда зиёратчилар кўп. Мутасаввиф шоир Хўжаназар Гойибназар ўғли Хувайдо ҳазратларининг мақбарасини зиёрат қилдик. Мажмуанинг кунботар томонида икки қаватли муҳташам “Хувайдо” жомеъ масжиди жойлашган. Масжид ҳовузида кўрганимиз ажиб манзара – барглари шапалоқдек нилуфаргуллар чиройи қалбимизни тўлқинлантирди.

Туманнинг Миндон қишлоғидаги “Сирли”, Қўрғонтепа қишлоғидаги “Юнусхон эшон”, Хонқиз қишлоғидаги “Тўраҳон ҳожи” жомеъ масжидларидаги шароитлар ҳам намозхонлар талабига жавоб беради.

Олтиариқ туманида 15 та жомеъ бор. “Шоҳ Толиб” жомеи туман марказий масжиди. Хонақоғ қурилиши 1989 йили бошланиб, 1994 йил битган. Ҳозир эса икки қаватли дарвозахона, ёнида икки минора қуриляпти. Полосон қишлоғидаги “Полосон” жомеъ масжидида яратилган шароитлар ҳам талаб даражасида.

Бағдод туманида 167 минг аҳоли яшайди. Яқинда тумандаги “Зайд ибн Собит”, “Қоровултепа” жомеъ масжидларида янги таҳоратхоналар ишга тушди. “Қўштегирмон” ва “Султонобод” жомеларида ҳам қурилиш, таъмирлаш кетяпти.

Аср вақти кирди. Бувайда тумани жомеларини кўриб қолишга ошиқамиз.

Шароити яхшигина “Катта маҳалла” жомеъ масжиди билан танишдик. Тандирқишлоқ, Бачқир ортда қолди. Овозаси узоқларга етган Пошшо Пирим қишлоғига келдик.

“Пошшо Пирим” жомеъ масжиди хонақоғи 1903 йили қурилган. Совет даврида шу ерлик оқсоқолларнинг тадбири билан ўтхона – ем-хашак омбори сифатида ишлатилиб, бузиб ташланишдан асраб қолинган. Ёнидаги мақбара ўн тўртинчи асрда тикланган.

Кейинги йиллар “Пошшо Пирим”нинг хонақоғи кенгайтирилди, айвонлар солинди. Чинор ва қайрағочлар соя солган кенг ҳовли, шароитлари яхши таҳоратхона “Пошшо Пирим”нинг обод маскан эканидан нишона. Туманда яна 14 та жомеъ ишлаб турибди.

Хуллас, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги қишлоқ масжидлари кўркам ва озода, шаҳардагилардан қолишмайди.

Кўп жомеларнинг имом-хатиблари Ислом ўқув юртларида таълим олган ёшлар. Улар қишлоқ оқсоқоллари, масъул ташкилотлар ходимлари билан ҳамкорликда динимиз равнақи, халқимиз маънавиятини юксалтириш йўлида ғайрат билан ишлашяпти.

Вафо ФАЙЗУЛЛОҲ,

2009 йил 11-14 июн, Наманган,
Фарғона.

Суратларни

Ҳайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ

туширган.



метр чуқурликдан ичимлик суви тортиб олинади.

Кокилон қишлоғидаги “Кокилон” жомеида ҳам янги таҳоратхона ишга туширилди.

Фарғона тумани водийнинг энг хушхаво жойларидан десак муболаға эмас. Худуди ҳам каттагина. Лоғон, Аввал қишлоқлари масжидларида бўлиб, туман маркази Водилга етамиз. Кўксув билан Оқсув қўшилган Шоҳимардонсой ёқасида бир зум тўхтаб, теvarакка ҳавасланиб қараймиз, олис-яқин тоғларга боқиб, руҳимиз ёришади.



ДИН НАСИҲАТДИР

Имом Муслим улуғ саҳоба Тамим ибн Авс ад-Дорийдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: «Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилганлар:

“Дин насиҳатдир!”¹ Биз Расулulloҳдан, кимга, деб сўрадик. У зот: “Аллоҳга, Унинг китобига, пайғамбарига, муслмонларнинг имомлари (яъни, раҳбарлари)га ва барчаларига”, дедилар».

“Аллоҳга насиҳат” деганларида, Аллоҳга имон келтириш, Унга ширк келтирмаслик, айб ва камчиликлар танғимаслик, Уни улуғ сифатлари билан эслаш, Унга итоат этиш, гуноҳ қилмаслик, Унинг неъматларига шуқр қилиш, барча амрларни ихлос билан адо этиш, Унгагина илтижо этиб дуо қилиш, Унга итоат этганларни дўст тутиш тушунилади.

“Аллоҳнинг китобига насиҳат” деганларида, Куръони карим Аллоҳнинг сўзи эканига имон келтириш, ундаги барча ҳукмларни тасдиқлаш ва уларга амал қилиш тушунилади.

“Аллоҳнинг пайғамбарига насиҳат” деганларида, у зотнинг пайғамбарликларига, етказган барча нарсаларга ишониш, у зот буюрган нарсаларга амал қилиб, қайтарган нарсалардан тийилиш, у зотни эъзозлаш, суннатларини ушлаш, ҳадисларини ўрганиш, унинг маъноларидан хабардор бўлиш, ҳадис илмларини ўрганишда одобларга риоя қилиш, ҳадис ҳақида билиб-билмай сўз айтмаслик, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) хулқлари ва одоблари билан ахлоқланиш, у зотнинг оила аъзолари ва асҳобларини дўст тутиш, турли бидъат ва

хурофотлардан узоқ бўлишни тушуниш лозим.

«**Муслмонларнинг имомлари (яъни, раҳбарлари)га насиҳат**» деганларида, Ҳақ йўлда уларга ёрдам бериш ва итоат қилиш, уларга юмшоқлик ва мулойимлик билан муомалада бўлиш, зарур нарсаларни оҳиста англаштиш, уларга эргашиб намоз ўқиш, улар ҳаққига доимо дуо қилиш тушунилади.

«**Муслмонлар оммасига насиҳат**» деганларида, уларни дунё ва охиратда фойдали ишларга йўллаш, турли зарар ва офатларни улардан кетказиш, уларга меҳр-мурувват кўрсатиб, шафқат қилиш, катталарини ҳурматлаб, кичикларини иззат қилиш ва раҳмдил бўлиш, ўзига яхши кўрган нарсани уларга ҳам раво кўриш, мол-дунё, обрў-эътибор ва номусларини ҳимоя қилиш, барча гўзал ахлоқлар билан хулқланишга уларни қизиқтириш англашилади.

Аллоҳ таборака ва таоло инсонларга Ўз ҳабиби Муҳаммадни (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) пайғамбарларнинг охиригиси қилиб юборди ва уни гўзал одоб-ахлоқ, меҳр-мурувват, олижаноб фазилатлар соҳиби қилди. Аллоҳ таоло айтади:

«**Албатта, Сиз буюк хулқ соҳибисиз!**»

Дарҳақиқат Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзларининг чиройли хулқ-одоблари билан барча умматга намунадирлар. Зеро, у зот ҳадисларининг бирида марҳамат қилганлар: “Мен энг яхши хулқларни камолга етказиш учун юборилдим”.

Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) буюк хулқ эгаси эканлари Ислон



дини барчани инсонпарварликка, меҳр-мурувватга, олижанобликка ва эзгуликка чорловчи илоҳий бир таълимот эканини билдиради.

Бугун ёш авлодни нафақат диний, балки замонавий фанлардан ҳам тўла хабардор этиб, теварак-атрофда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан ўзининг мустақил фикрини айта оладиган қилиб тайёрлаш керак бўлади. Зеро, Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилиб айтганлар: “Барчаларингиз бамисоли чўпонсиз ва қўл остингиздагилардан сўраласиз”.

Абдулҳамид ТУРСУНОВ,
Фатво бўлими мудири

¹ “Насиҳат” кўп маънони ифодаловчи сўзлардандир. У англаган маънони бирорта бошқа сўз билан ифодалаб бўлмайди, дейилган. “Насиҳат”нинг ўзаги софлик, самимийлик маъносига “нусх” сўзидир. “Носих” – “халис”дир. Ҳар бир халис нарса носихдир, дейди Асмаий. Демак, насиҳат халис ва самимий бўлиш маъносидадир. Шунингдек, “насиҳат” сўзининг яхшиликка чорлаш ва ёмонликдан қайтариш маъноси ҳам бор. Ҳадисда “насиҳат” сўзи биринчи маънода келган. (*Таҳририят.*)

Абулфараж Абдурахмон ибн Жавзий

АБДУЛЛОҲ ИБН АББОС

“Абулаббос” деб куняланган Абдуллоҳ ибн Аббос ҳижратдан уч йил олдин, мусулмонлар қамалдан чиқишларидан сал илгари дунёга келган. У Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) вафот этганларида ўн уч ёшда эди. Уматнинг олими бўлиб етишди, шу боис “илмлар денгизи” деган ном олди. Умар ва Усмон (иккаласидан Аллоҳ рози бўлсин) уни ўз ёнларига олишди. То вафотига қадар фатво бериб келган. Унинг Аббос, Али, Сужод, Фазл, Муҳаммад, Убайдуллоҳ, Лубоба ва Асмо исмли фарзандлари бўлган.

Саид ибн Жубайр Абдуллоҳ ибн Аббосдан келтиришича: «Кечаларнинг бирида Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазрати Маймуна ҳузурларида эканларида онамиз у зотга таҳорат учун сув қўйди ва: “Эй Аллоҳнинг расули, бун сизга Абдуллоҳ ибн Аббос тайёрлади”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Аллоҳим, уни динда фақиҳ қилгин ва унга таъвилни билдиргин”, деб дуо қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Аббос Икристимага бундай деган экан: «Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мени беришди ва у зот: “Аллоҳим, унга ҳикматни билдиргин”, деб дуо қилдилар».

Абдуллоҳ ибн Умар (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Абдуллоҳ ибн Аббосни дуо қилиб: “Аллоҳим, унга барака ато эт ва ундан зурриёт тарқатгин”, дедилар».

Саид ибн Жубайр Ибн Аббосдан ривоят қилади. Ибн Аббос айтади: «Умар (розийаллоҳу анҳу) Бадр аҳли даврасида менга ҳам гапиришга изн берарди. Шунда улардан баъзилари: “Болаларимиз тенги бир йигитчага изн бера-сизми, ким ўзи у?” дейишди. Умар: “У ҳам билганларингизнинг биттасидир”, деди. Бир куни улар билан бирга менга ҳам сўзлашга изн берди. Аввал улардан: «(Эй Муҳаммад!) Қачон, Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба келганида; одамлар тўп-тўп бўлиб, Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрганингизда...» (Наср, 1-2) оятлари ҳақида сўради. Улар: “Аллоҳ (азза ва жалла) пайғамбарига Ўзининг фатҳи келганида унга истиғфор айтиб, тавба қилишга амр қиляпти”, деб жавоб қилишди. Умар мендан: “Эй ибн Аббос, сен нима дейсан?” деб сўради. Мен: “Бундай эмас, Аллоҳ пайғамбарига унинг ажали яқинлашаётгани хабарини бермоқда. Аллоҳ: «(Эй Муҳаммад!) Қачон, Аллоҳнинг нусрати (мадади) ва ғалаба келганида; одамлар тўп-тўп бўлиб Аллоҳнинг дини (Ислом)га кираётганларини кўрганингизда...», ана шу сизнинг вафот этишингиз аломатидир, «Дарҳол Раббингизга ҳамд билан тасбеҳ айтинг ва Ундан мағфират сўранг! Зеро, У тавбаларни қабул этувчи зотдир», деган», деб жавоб қилдим. Шунда Умар уларга: “Унинг бу жавобидан кейин энди мени қандай маломат қила оласизлар?” деди».

Авзоъий айтади: «Умар ибн Хаттоб Абдуллоҳ ибн Аббосга: “Аллоҳга қасам, сен ёш йигитларимизнинг энг гўзал юзлиги, уларнинг энг оқили ва Аллоҳнинг (азза ва жалла) китобини тушунишда энг фақиҳидирсан”, деди».

Ибн Аббос (розийаллоҳу анҳу) айтади: «Умар Муҳаммаднинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) саҳобалари билан бир қаторда мендан ҳам сўрар эди. У менга: “Улар сўзламагунларича сен сўзлама”, дер ва қачон сўзлайдиган бўлсам, у: “Ҳали сочига оқ ораламаган мана бу болакайнинг келтирган ҳужжати каби бир нарса келтириб мени таслим қилинглар”, дер эди».



Абу Солиҳ айтади: “Бир гал Ибн Аббоснинг мажлисида бўлдим. Агар бутун Курайш у билан фахрланадиган бўлса, албатта у уларга фахр бўлади. Унинг олдидан одам кўп тўпланганидан йўллар тирбанд бўлиб кетар, бирор киши на келишга, на кетишга имкон тополмасди”.

Абдуллоҳ ибн Динордан, у киши Ибн Умардан ривоят қилишади: «Бир киши келиб Ибн Умардан осмонлар ва ер ҳақидаги: «...осмонлар ҳам, Ер ҳам (аввалда) яхлит бўлганини, Биз уларни ёриб юборганимизни...» (Анбиё, 30) ояти ҳақида сўради. Ибн Умар: “Бориб анави шайхдан сўра, сўнгра қайтиб келиб, менга у нима деганини айтиб берасан”, деди.

У бориб Ибн Аббосдан сўради. Ибн Аббос: “Осмонлар тикилган бўлиб, ёмғир ёғдирмас эди. Ер ҳам тикилган бўлиб, наботот ўстирмас эди. Бас, осмонлар чокидан ёмғир билан сўкилди. Ва ер ҳам чокидан наботот билан йиртилди”, деб жавоб қилди.

Ҳалиги киши Ибн Умарнинг олдига қайтиб келиб, унга бунинг хабарини берди. Шунда Ибн Умар: “Албатта Ибн Аббосга илм берилган, у тўғри айтди, шундай бўлган”, деди.

Сўнгра Ибн Умар айтди: “Дарҳақиқат, Ибн Аббоснинг Куръон тафсир қилишдаги журъати мени ажаблантирмасди, (яъни, уни ҳам бошқа саҳобийлар каби бир тафсирчи деб билардим). Энди эса билдим, дарҳақиқат, унга илм берилган экан”.

Шақиқ айтади: “Ибн Аббос хутба қилди. У Бақара сурасини очиб, уни ўқиб, тафсир қила кетди. Мен ҳеч кимни бу киши каби сўзлаганини кўрган ҳам, эшитган ҳам эмасман. Агар уни форслик ёки румлик эшитганида эди, албатта Исломога кирган бўларди”.

Заҳҳокдан, у киши Ибн Аббосдан ривоят қилишади: “Эй гуноҳ эгаси, ёмон оқибатни орзу қилмагин, гуноҳга эргашишинг қилган гуноҳингдан улуғроқдир. Гуноҳ устида турган пайтингда ўнг ва чап тарафингдаги кишилардан оз бўлса-да ҳаё қилишинг гуноҳингдан улуғроқдир. Аллоҳ сенга нисбатан нима қилишини билмасингдан туриб уни қилишинг гуноҳдан ҳам каттадир. Гуноҳ қилган пайтингда у билан хурсанд бўлишинг гуноҳнинг энг каттасидир. Гуноҳ қилолмаган пайтингда бундан хафа бўлишинг уни қилишингдаги гуноҳдан улуғроқдир. Сен гуноҳ қилаётганингда эшигингни ёпиб қўядиган шамолдан кўрқиниш ва Аллоҳ кўриб турганини ўйлаб, қалбинг изтиробга тушмаслиги сен қилган гуноҳдан улуғроқдир”.

Ибн Аббос Тоифда, ҳижратнинг олтинчи саккизинчи йили вафот этди, шунда ёши етмиш бирда эди. Жобир ибн Абдуллоҳга Ибн Аббоснинг вафоти ҳақида хабар келгач, бир қўлини иккинчи қўлининг устига қарсиллатиб уриб: “Одамларнинг энг олими ва энг ҳалими вафот этибди. Дарҳақиқат, бу умматга у сабабли тузатиб бўлмас мусибат этибди”, деди.

Мунзир айтади: «Абдуллоҳ ибн Аббос вафот этгач, Ибн Ҳанафий: “Бугун бу умматнинг тарбиячиси вафот этди”, деди».

“Салафларнинг сифатлари” китобидан
Фарҳод Жўраев

таржимаси

Имом ЗАРҲУЖИЙ

ЗЕҲНИ КЎЧАЙТИРИШ УЧУН

Илм толибига энг зарури фаҳм-фаросат ва ўткир зеҳндир. Аллоҳ таоло инсон фаҳму фаросати ва зеҳнини кучайтиришни бир қанча сабабларга боғлаб қўйган. Илм толиби энг олдин қалбини тоза тутиши ва ўз устида мунтазам ишлашни қанда қилмаслиги керак. Таомни бир оз камайтириш, кечалари ибодатда бўлиш, Куръони каримни китобга қараб ўқиш зеҳнини кучайтиради. Уламолар Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадисларидан келиб чиқиб, инсон зеҳни ва фаҳму фаросатини орттирадиган асосий омил Куръони каримга қараб ўқиш деб башорат беришган. Чунки Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Умматимнинг энг устун амали Куръони каримни унга қараб тиловат қилишларидир”, деганлар. Китобга қараб ўқиган одам шошилмайди, ояти карималар маъноларини яхшироқ тафаккур қилишга имкон бўлади.

Шунингдек, Пайғамбаримиз Муҳаммадга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) кўп саловот айтиш ҳам зеҳн кучайишига сабаб бўлади. Чунки Ҳақ таоло ул зотни оламларга раҳмат қилиб юборган.

Тишларни тозалаб юриш, оғизни сашишдан сақлаш ҳам зеҳнини чархлайди. Асал еб туриш, ёнғоқни шакар билан аралаштириб ейиш ҳамда ҳар куни бир сиқимча қора майиз еб туриш зеҳннинг ўткир бўлишига ёрдам беради.

Оғиздаги нам ва балғамни нима камайтириб йўқотса, у зеҳнини ўткир қилади. Балғам унутиш касалини кучайтиради.

Гуноҳ ишлар, бепарволик ҳам зеҳнини пайситиради.

Талаба доим кичик дафтарча ва қалам олиб юриши керак. Шунда эшитган ҳар бир зарур маълумотни дарҳол ёзиб олиш имконияти бўлади. Доноларнинг:

“Кимнинг чўнтагида дафтар юрмас,
Қалбига ҳикмат ҳам кирмас”,
дейишгани бежиз эмас.

Вақтингизни кетказманг, ҳар ганимат нафасингизни илм билан бойитинг. Зеро, илм Аллоҳнинг фарзи ва камолот калидидир.

(«Ат-таълим вал-мутааллим» китобидан)

– **Фарзандлар камолини кўришни ким ҳам истамайди дейсиз. Уйлашимча, бу мавзу эртадан умиди бор кишини асло бефарқ қолдирмайди. Келинг, домла, суҳбатимизни шундан бошласак.**

– Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим! Аллоҳ таоло: **“Мол-мулк, фарзандлар дунё ҳаёти зийнатидир...”** (Каҳф, 46), деб марҳамат қилади. Болалар ота-онанинг кўзларини қувонтириши шундан. Бироқ бола ўзича камолга етиб қолмайди. Мирзо Бедил: “Камол-

ратишмаган. Зеро, илмли киши тарбиянинг аҳамиятини, кучини англайди. Тарбияли бола илмга интилади, яхшилик қилиш пайида бўлади, уни қандай амалга оширишни биллади.

Машойхларимиз одобни илмдан ҳам илгарига қўйишган. Демак, фарзандларимизга биринчи галда одоб ўргатишимиз керак. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Саломни кўпроқ ёйинглар”, деб марҳамат қилганлар. Таниганга ҳам, танимаганга ҳам салом бериш

таъкидланди. Тасаввур қилинг, агар хона деразаси очилса, тоза ҳавога қўшилиб чанг ҳам кирарди. Ташқи таъсир туфайли ёшлардаги ўзгаришни ўша хона ҳолатига ўхшатиш мумкин. Тоза ҳаво қаторида кераксиз, зарарли нималардир ҳам бостириб кирса, ёш, онгу шуури қотмаган болаларимизнинг аҳволи нима кечади? Шундай экан, ёшларимиз қалби ва онги зарарли маънавий босқинлардан ҳимояланган бўлиши керак.

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу

МЕҲНАТНИ СЕВГАН

га бирйўла етиб бўлмайди, Тўлин ой йўлида нарвонлари бор”, деганлар. Яъни, камолот йўлида жон куйдириш, қайғуриш лозим. Бола жисман ва маънан соғлом ўсиши учун унга мутгасил эътибор керак.

Бошқа бир оятда фарзанд бир синов ҳам экани уқтирилган. Синовдан яхши ўтиш ўзимизга боғлиқ. Ота-она тарбияни мактабга ташлаб қўйса, ўқитувчилар ота-онаси бор-ку, деб масъулиятсизлик қилишса, ора йўлда бола бебош бўлиб қолади. Қалбини тушунадиган, қизиқишларини тўғри, фойдали йўлга солиб юборадиган дўстни тополмай қийналади. Беҳуда нарсаларга уринади. Енгил-елпи, маънисиз нарсаларга қизиқади...

Илгарилари “битта болага етти кўшни ота-она” деган мақолни кўп эшитардик. Бир боланинг тарбияси учун ота-ондан ташқари маҳалла-қўй, кўшнилари ҳам ўзларини масъул, жавобгар ҳис этишар, кўчакўйда юриш-туришига эътибор қилишар эди. Ҳозир ана шу анъананинг таъсири бир оз камайдандек. Нотўғри йўлдаги ўспиринни тартибга солиш ўрнига гоҳида: “Менинг болам эмаску”, дея ўтиб кетилади. Бу қусур мусулмон кишига панд беради.

Ота-боболаримиз илм ва одобни бир-биридан сира аж-

Қувасой шаҳар бош имом-хатиби



мусулмон одобларидандир. Афсус, ҳозир танишга салом бериб, нотанишнинг олдидан индамасдан ўтиб кетаверадиганлар кўп. Ҳарқалай, кейинги пайтларда мактаблар ёнидан ўтаётган ёки йўлда ўқувчи болаларни учратсак, ҳаммалари баравар салом берганларига гувоҳ бўлиб, яхши бир анъана тикланаётганидан қувонаман.

– **Ҳа, баъзи ёшларда миллий урф-одатларимизга ёт анъаналарга қизиқиш кучли.**

– Очиги, ёшларнинг юриш-туришида, кийинишида, ҳатто қисман фикрлаш тарзида ҳам ажнабийларга тақлид, қизиқиш сезилади. Бу ҳолатни “оммавий маданият” хуружи деб тўғри

алайҳи ва саллам): “Инсонда бир парча эт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом, у хаста бўлса, бутун аъзолар хаста бўлади. Бу юракдир”, деб марҳамат қилганлар.

Бугун истаимизми-истамай-мизми, чет эл телевиденияларида, интернет тизимида, турли оммавий ахборот воситаларида қалбни издан чиқаришга қаратилган, ақлни қутқуга соладиган усул ва воситалар кучайган. Улар ортида миллий ўзига хос гўзал фазилатларимизни кўролмайдиганларнинг гаразли мақсадлари ётибди. Бундан ҳушёр бўлишимиз керак.

Хўш, уларга нимани қарши қўйишимиз мумкин? Бизнинг асрлар давомида шакланган юксак маданиятимиз, энг яхши фазилатларни ўзида мужассам этган қадриятларимиз бор. “Оммавий маданият”нинг сохта, ёлғон оҳанжамалари ана шу асл исломий маданият олдида ўзини ўзи фож этади. Болаларимизни “оммавий маданият” балосидан асрашимиз учун динимиз буюрган одоб-ахлоқни ёшлар онгига сингдиришимиз керак.

– **Инсон ҳаётда тезроқ ўз ўрнини топишида кўпроқ нима ёрдам беради?**

– Менимча, меҳнат. Агар биз ёшларимизга илм билан бирга лаёқатларига яраша касб-хунар ўргата олсак, бундан фақат ота-она эмас, кўпроқ жамият ютади. Ким касб-хунар эгаллаб, меҳнатга кўникма ҳосил қилса, одамлар орасида ўрнини топиши муқаррар. Қолаверса, меҳнатни севган, унинг қадрига етган инсон ҳаёт қонуниятини тез тушунади, пуч ғояларга алданмайди, бахт-саодат имон билан ҳалол яшашда эканини ҳис қилиб, қийинчиликларни

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларидан бирида Аллоҳнинг марҳаматига мушарраф бўла олмайдиган уч тоифанинг хабарини бериб, улардан бири лоқайдлар эканини айтганлар. Лоқайд инсондан ҳар нарсани кутиш мумкин. Унда диннинг ҳам, Ватаннинг ҳам, элнинг ҳам ташвиши бўлмайди. Ҳатто оиласи учун ҳам чинакамига қайғурмайди. Ўзидан бошқани ўйламайди. Лоқайдликдан сақланишимиз керак. Лоқайдлик боис

мозларида эмас, фақат ўзлари имом-хатиб бўлган масжидларда эмас, қайда, қандай маросимда қатнашимасин, зийракликка чақиришлари, лоқайдлик ва бефарқликдан қутулиш биринчи галдаги вазифа эканини уқтиришлари лозим.

– *Аллоҳ хоҳласа, ҳадемай юртимиз мустақиллигининг ўн саккиз йиллигини, пойтахтимиз Тошкентнинг 2200 йиллигини нишонлаймиз. Ватанимиз дахлсизлиги, тинч-осойишталигини кўз қорачиғидек асраб турган-*

САБРЛИ БЎЛАДИ

Алишер Наимов билан суҳбат

енгиб ўтади. Ҳа, меҳнат инсонни тарбиялайди.

Фарзанд еб турган нони қаердан келаётганига қизиқмаса, ўзига яратилган шароитлардан истаганча фойдаланиб, бунинг ортида ҳеч бўлмаса ота-онасининг меҳнати турганини ҳис қилмаса, балоғат ёшига етганида ҳам боқиманда бўлиб қолади. Текинхўр дангасага айланади. Бу жуда ёмон иллат. Ҳатто Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳам Аллоҳ таолодан дангасаликдан паноҳ беришини сўрар эканлар. Дангаса киши ҳар нарсага лоқайд бўлади. Лоқайд, бефарқ яшаш жуда хавфли иллат. Ҳозир эслаганимиз дангасаликнинг бир тури.

Айрим ёшлар маънавиятимизга ёт “оммавий маданият”га қизиқишларини тилга олдик. Бунда уларнинг ўзларинигина айблаш инсофсизлик бўлади. Катталарнинг айби йўқми? Лоқайдлигимизнинг ҳам “ҳисса”си йўқми? Ҳар бир иллат худди заҳарли илондай гап, вақтида боши эзилмаса, илон (иллат) қанчадан-қанча яхшиликларни ютиб юборадиган аждарҳо (нохуш воқеа)га айланади.

бутун-бутун халқлар қул, муте бўлиб қолишган. Бунинг аянчли оқибатлари ҳақида тарихда мисоллар жуда кўп.

– *Фикрингизни тўғри англаган бўлсам, огоҳ бўлишимиз керак, демоқчисиз...*

– Худди шундай. Огоҳ яшашда ҳикмат кўп. Алишер Навоий:

Агар шоҳсен – огоҳсен сен,
Агар огоҳсен – шоҳсен сен,

деб бежиз ёзмаганлар. Огоҳнинг Ватани обод бўлади. Маҳаллақўйи, яшаб турган хонадони ёруғ ва тинч бўлади.

Албатта, огоҳлик илм, ақл туфайлидир. Ўрганмаса, билмаса, тафаккур қилмаса, қандай огоҳ бўлиши мумкин. Огоҳлик шижоатни ҳам талаб қилади. Ҳар бир ишни астойдил, виждонан адо этиш керак.

Бу борада имомларимиз қиладиган ишлар оз эмас. Улар қаерда бўлмасин динимиз яхшилик дини эканини тушунтиришлари керак. Фақат жума на-

лар бор. Бу жуда ҳам шарафли вазифа...

– Албатта, Ватан дахлсизлигини, тинчлигини қўриқлаш катта шараф, улуғ мартаба. Чунки улар Ватанни ҳимоя қилиб, қўриқлаб туришганида, минглаб юртдошлар эмин-эркин меҳнат қиляпти, илм ўрганияпти, тўй-тантанасини ўтказаяпти, ибодатини адо этияпти.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам), етгита катта гуноҳдан сақланинглари, шулардан бири – Ватанни ҳимоя қилишдан қочиш, дея марҳамат қилганлар. Мусулмон одам катта гуноҳ содир этишни ақлига сиздира олмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Ватанимиз ҳимоячилари, чегарачиларимизни ҳам мустақиллигимизнинг ўн саккиз йиллиги билан чин дилдан табриклайман. Барча юртдошларимиз қатори уларга ҳам икки дунё саодатини тилайман.

Муҳаммад ВАФО

суҳбатлашди.

Алишер Наимов 1968 йили Қувасой шаҳрида туғилган. 1989-1994 йиллари Бухоро шаҳридаги Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. 1994 йилдан Қувасой шаҳри “Ислоҳ” жомеъ масжиди имом-хатиби, 1995 йилдан шаҳар бош имом-хатиби, 2007 йилдан ЎМИнинг Фарғона вилояти бўйича вакили ўринбосари ҳамдир.

АБДУЛЛОҲ ИБН МУБОРАК

Абу Ҳанифанинг шогирдлари, Имом Бухорийнинг устозлари Абдуллоҳ ибн Муборак ҳақларида Исмоил ибн Йёш: “Ер юзида Абдуллоҳ ибн Муборакка ўхшаши йўқдир. Аллоҳ таоло қандай яхшилиқ хислатлар яратган бўлса, уларнинг барчасини Абдуллоҳ ибн Муборакка берганини билдим”, деган¹.

Суфён ибн Уяйна: “Саҳобалар билан Ибн Муборакнинг ишларига қарадим, уларнинг Ибн Муборакдан устун томонлари Пайғамбар (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) суҳбатларида қатнашганларию ғазотларда у Зот билан бирга бўлганларида эканини кўрдим”, дейди.

Имом Нававий эса: “Абдуллоҳ ибн Муборак ҳамма улуғликларни ўзида жамлаган имомдир. У эсланса, раҳмат ёғилади, у яхши кўрилса, Аллоҳнинг мағфирати умид қилинади”, деган.

Абдуллоҳ ибн Муборак чиройли хулқни “очиқ юзлилик, яхшилиқ қилиш ва озор беришдан тийилиш” деб сифатлайдилар². У зотдан: “Бизга чиройли хулқни бир сўзда баён қилиб беринг”, деб сўрашганида: “Ғазабни тарк этиш”, дейдилар³. Бу сўз Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳадиси шарифларидан бир иқтибосдир. Бир киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳузурларига келиб: “Менга васият қилинг”, деди. У зот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қайта-қайта “Ғазабланма”⁴, дедилар. У киши: “Эй Аллоҳнинг Расули, мени жаннатга киритадиган амалга далолат қилинг”, деди. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ғазабланма”⁵ дедилар.

Шу сабабли Ибн Муборак хулқ-одобда, муомалада ва мусулмонларга яхшилиқни раво кўришда, насиҳат қилишда намуна эдилар. Ҳар гал Куръони каримни ўқиб тугатганларида, барча мусулмонларни дуо қилар⁶, уларни насиҳатдан ибрат-

ланишга чорлар эдилар. У кишидан: “Амалларнинг қайсиси афзал?” деб сўралса, “Аллоҳ учун ҳолис қилингани”, деб жавоб берардилар⁷. Яна: “Замонамизда насиҳатни очиқ қалб билан қабул қилиб оладиган бирон-бир киши қолганини билмайман”, дер эдилар⁸. Шу сабабли ҳам ниҳоятда илтифот ва меҳрибонлик билан насиҳат қилар, дўстлари берган ҳадяларни қабул қилиб, Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) сингари уларни ҳам мукофотлар эдилар.

Дўстлари, яқинлари билан бирга ўтирганларида уларга ниҳоятда эътиборли бўлиб яхшилиқлар қилар, камчиликка йўл қўймас ва: “Нарсаларнинг энг лаззатлиси дўстлар билан ҳамсуҳбат бўлиш, кифоя қиладиган миқдорга қаноат қилиш ва Аллоҳ йўлидаги доимий дўстлик”⁹, дер эдилар. Чунки дўстлар, агар дўстликлари ҳолис Аллоҳ розилиги учун бўлса, динда кўмакчи ва ғам-ташвишда юпанчиқ бўлишади. Аксинча, бир мато ёки мақсад ғаразиди дўстлашилган бўлса, ўша нарса йўқолиши билан дўстлик ҳам тўхтайд.

Ибн Муборак дўстларини ҳурматлаб, улар ҳақида: “Ким дўстлик, оға-инилик муносабатларига энгил-елпи қараса, уларни менсимаса, муруввати кетиб қолади”¹⁰, дер эдилар.

Убайд ибн Жанод: «Мен Ибн Муборакдек ҳеч бир кишини кўрмадим. Агар дўстларини зикр қилса, уларга эҳтиром кўрсатиб улуғлар: “Аллоҳ улуғлаган итоаткор кимса улуғ, Аллоҳ паст қилган кимса эса пастдир”, дер эдилар»¹¹, деган.

Ўзи билан ҳамсуҳбат бўлган ҳар бир кишига яхшилиқ илинар, уни тўғри йўлга солиш учун ҳаракат қилар, бунинг уддасидан чиқолмасалар, қаттиқ ачиниб афсусланар эдилар.

Бир гал сафарда ёмон хулқли бир киши билан ҳамроҳ бўлиб қолдилар. Сафар мобайнида унга бардош бериб, чидаб бордилар. Йўллари айрилгач, йиғладилар. У кишидан бунинг сабабини сўрашганида: “Унга раҳмим келиб йиғлаяман. Мен ундан ажралдим, аммо унинг ёмон хулқи ўзидан ажралмади”, дедилар.¹²

Абу Али Равзабарий бундай ҳикоя қилади: «Макка йўлида у зотга ҳамроҳ бўлдим. Саҳрога кирганимизда менга қараб: “Сен амир бўласанми ёки ўзим бўлайинми?” дедилар. Мен: “Ўзингиз бўлинг”, дедим. “Ундай бўлса менга қулоқ солиб, итоат қилишинг лозим бўлади”, дедилар ва тўрвахалтани елкаларига кўтариб олдилар. “Менга беринг, кўтараман”, десам: “Менми амир ёки сенми?” дедилар. “Сиз”, дедим. Кечаси тўхтадик, ёмғир ёғиб турарди. У киши кўйлақларини олиб устимга соябон қилиб, ўзлари ёмғир остида эрталабгача туриб чиқдилар. У кишига, сиз амир бўлинг, деган сўзни айтганимдан кўра ўлга-



ним яхшироқ эди, деб ўйлардим. Сафаримиз тугаб, хайрлашаётганимда: “Эй Абу Али, агар биров билан ҳамроҳ бўлсанг, шундай ҳамроҳлик қил”, дедилар¹³.

Абдуллоҳ ибн Муборак нафақат мусулмонларга, балки мусулмон бўлмаган бошқа дин вакилларига ҳам яхшилик қилардилар. Хоразмий “Муфид ал-улум” китобида бундай келтиради: «Абдуллоҳ ибн Муборакнинг яхудий қўшниси бор эди. У уйини сотмоқчи бўлди. Ундан уйни қанчага сотмоқчилигини сўрашганида, икки мингга сотишини билдирди. Унга: “Уйининг баҳоси фақат минг туради”, дейишди. “Тўғри, лекин минги уй учун, қолган минги Абдуллоҳ билан қўшни бўлиш учун”, деди. Ибн Муборакка бу хабар етгач, уни чақирдилар ва уйнинг пулини бериб: “Уйни сотмагин”, дедилар¹⁴.

Бу воқеадан бундай ибрат чиқади: яхудий бир киши Ибн Муборакдек яхши қўшниси борлиги учун уйининг баҳосини бир барбарга юқори баҳолади. Ибн Муборак эса Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўшничлик ҳақида: “Аллоҳ наздида қўшнилари яхшиси қўшнисига яхши бўлганидир” (*Термизий*), деган ҳадисларига мувофиқ иш тутдилар.

Аллоҳ таоло барчаларимизга чиройли хулқни насиб этсин.

Олимхон ЮСУПОВ,

Имом Бухорий халқаро маркази ходими

¹ “Абдуллоҳ ибн Муборак”. Муҳаммад Усмон Жамол (Дорул қалам) Дамашқ, 1998 йил.

² “Сунани Термизий”, 6/214.

³ “Иҳёи улумид дин”, 3/16.

⁴ Бухорий ривояти.

⁵ “Иҳёи улумид дин”, 3/165.

⁶ “Тибён”, 83-саҳифа

⁷ “Жомеъ ал-улум вал-ҳикам”, 71-саҳифа

⁸ “Табақот аш-Шаъроний”, 1\59.

⁹ “Иҳёи улумид дин”, 2/187.

¹⁰ “Табақот аш-Шаъроний”

¹¹ “Ҳилятул авлия”.

¹² “Иҳёи улумид дин”, 3\52.

¹³ “Зайлул Жавоҳир ал-Музия”

¹⁴ “Қолаид мин фароид ал-фаваид”, 133-саҳифа.

Июл ойининг 17-куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мажлислар залида Имом Бухорий таваллудининг милодий тақвим бўйича 1199 йиллиги, «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишончли ҳадислар тўплами») асари ёзилганининг 1160 йиллигига бағишлан-



БУЮК АЛЛОМАГА ЭҲТИРОМ

ган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислом институти мазкур анжуман ташкилотчиси бўлди.

Тадбир бошланишида иштирокчилар Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳамда институт ректори Ҳайдархон Йўлдошхўжаевнинг табрик сўзларини тинглашди.

Шундан сўнг Имом Бухорий халқаро маркази директори, профессор Убайдулла Уватов, Тошкент Ислом

университети профессори Зоҳиджон Исломов ва бошқа олимлар «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» Имом Бухорий асарларининг гултожи», «Имом Бухорий илмий меросининг мустақиллик йилларида ўрганилиши» каби қатор мавзуларда маърузалар қилишди.

Мазкур илмий-амалий анжуман улуғ аллома бобомизга юксак эҳтиром, у зотнинг бой меросига катта қизиқишнинг намоиши бўлди.

Мухбиримиз



МАЛТА РЕСПУБЛИКАСИ



Милоддан олдинги ўн учинчи асргача Ўртаер денгиздаги бу миттигина орол финикиялар қўл остида бўлди, кейин, еттинчи асрда карфагенлар бу ерга бостириб киришди. Милоддан олдинги 218 йили у Рим империясига қўшиб олинди. Милонинг олтмишинчи йили Малта насроний динига киритилди. 395 йили Рим империяси қулаганидан кейин у Византия империяси қўл остида қолди.

Кейинчалик оролни араблар фатҳ этишди ва аҳолининг катта қисми Ислом билан шарафланди. Аммо кўп ўтмай оролни норманнлар босиб олиб, Ислом дини билан боғлиқ ҳамма нар-



Майдони: 320 кв. км.
Аҳолиси: 400 минг киши.
Пойтахти: Валлетта шаҳри.
Тузуми: республика.
Давлат бошлиғи: президент.
Пул бирлиги: малта лираси.

сани йўқотишди, аҳолини қайтадан насроний қилишди. Бунга кўнмаганлар ўлдирилди, баъзилари оролни тарк этиб, Ливия ва Мағриб ўлкаларидан паноҳ топишди. 1530 йили Малта иоаннлар ритсарлик ордени тасарруфига ўтди (шунинг учун бу орден «Малта ритсарлик ордени» номини олди).

1798 йили оролни франсузлар эгаллаб олишди, орадан икки йил ўтгач, инглизлар келиб, уни ўзига колония деб эълон қилди. Йигирманчи аср бошларигача у Буюк Британиянинг денгиз базаси бўлиб турди. Иккинчи жаҳон урушида мамлакатни олмон ва италиян самолётлари бомбардимон қилди. Уруш тугагач, 1947 йили Малта ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини қўлга киритди. 1964 йил 21 сен-

тябрда у Британия Миллатлар ҳамкорлиги таркибда мустақил бўлди. Ўн йил ўтгач республика деб эълон қилинди, беш йилдан сўнг Британия кўшинлари Малтани тарк этишди. Ҳозир Малта

Оврупа Иттифоқи аъзолигига номзод.

Мамлакат иқтисоди жуғрофий имкониятлардан фойдаланиш (саксондан зиёд мамлакатнинг учоқлари ва кемалари бу ерга қўниб ўтади) ва сайёҳларга хизмат кўрсатишга асосланган. Саноатнинг кemasозлик, тўқимачилик, пойафзал, озиқ-овқат, оҳак қазиб олиш каби



тармоқлари анча ривожланган. Малта яна яхши жиҳозланган бандаргоҳлар ва юксак малакали ишчи кучлари билан ҳам шуҳратли. 1979 йилгача у ҳарбий-стратегик база бўлгани учун иқтисоди Буюк Британия ва АҚШ кемаларига хизмат кўрсатишга ихтисослашган. Ҳукумат иқтисоднинг уч тармоғига — саноат, қишлоқ хўжалиги ва сайёҳликка катта эътибор беради. Малта саноати компютерлар, ускуналар ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи юксак технологиялар асосида ривожланыпти. Сайёҳлар кўп релиши боис хунармандчилик ва



совға буюмлари, кумуш тақинчоқ ва безаклар, лой ва шиша идишлар тайёрлаш ҳам бирмунча тараққий қилган.

Мамлакат майдони жуда кичик, бунинг устига асосан унумсиз, тошлоқ бўлгани, суғориш учун чучук сув йўқлиги сабабли деҳқончиликка ярамайди. Шунга қарамай, малталиклар ҳар бир қарич ерни бўш қолдирмасликка тиришиб, буғдой, сабзавот, ситрус мевалари етиштиришади. Ҳатто чет ўлкаларга пиёз, гул, уларнинг уруғи ва кўчати ни сотишди ҳам. Чорвачилик анча ривожланган. Бошқа мамлакатларга машина ва транспорт ускуналари, саноат моллари сотади, четдан саноат моллари, озиқовқат, улов воситалари харид қилади. Савдодаги асосий шериклари Италия, Франция, Буюк Британия, Олмония, АҚШ.

Бундан бир неча йил муқаддам ушбу сатрлар муаллифи Африқога боришда ва қайтишда ўн кун Малта билан яқиндан танишишга муяссар бўлган эди. Учоғимиз оролга яқинла-

шиши билан пастда поёнсиз сув ичида чироқларга бурканган кичкинагина майдонни кўрдим. Олисроқда мамлакат пойтахти Валлетта ҳам баралла кўриниб туради. Шинам автобус денгиз соҳилидаги беш қаватли кўркам меҳмонхонага олиб келиб туширди. Ичкарига кириб, кўзим тушган биринчи нарса араб тилидаги «Ассалому алайкум» ёзуви бўлди. Таржимон айтишича, бу ерга мусулмон мамлакатларидан ҳам сайёҳлар ва ўткинчи йўловчилар кўп келгани учун араб тилидаги эълон ва шиорлар кўча ҳамда меҳмонхоналарда етарли экан. Қолаверса, юрт араблар қўл остида бўлганида қалъа ва бинолар пештоқига Қуръони карим оятлари ҳамда ҳадислар ўйма ва бўртма шаклларда туширилган экан, уларнинг айримлари сақланиб қолган.

Малта кўчалари тор, икки қатор машина аранг сиғади. Денгиз соҳилига ҳисобсиз меҳмонхоналар қурилган, бутун аҳоли сайёҳларга хизмат кўрсатиш соҳасида ишлайди. Тош ва гишдан қурилган икки қаватли уйларнинг саҳни жуда кичик, шундай бўлса-да, ихчамроқ фаввора қуришга ва бир-икки туп атиргул ўтқазишга жой ажратилади. Қўли гул малталиклар фақат тошдан иборат оролнинг ҳамма жойига атиргул, анжир дарахтлари ва баҳайбат кактусларни ўтқазиб ташлашган. Атиргуллар дарахт каби катта, лекин уларнинг тури ва рангини

таърифлашга сўз етмай қолади.


Малталиклар италян, франсуз ва арабларнинг қурама авлодларидир. Улар тилида анчамунча араб сўзлари (масалан “ахмар”, “салам”, “инсан” кабилар) сақланиб қолган. Бу ерда мусулмонлар уч минг киши атрофида, чунки аҳолининг 99 фоизи католик динида. Шунга қарамай, Ислом дини мавқе жиҳатидан иккинчи ўринда туради. Мусулмонларнинг кўпи Ливия, Тунис, Миср, Мароқаш ва Жазоирдан келган муҳожир-



лар, улардан олти юз нафари Малта фуқаролигини қабул қилган, бир юз эллик нафари эса шу ерда туғилган.

1978 йили Ливия Исломий даъват бутунжаҳон жамияти Паола шаҳрида жомеъ масжиди қурди ва Ислом маркази ташкил этди. Марказда араб тилини ва Ислом асосларини ўргатиш бўйича бошланғич мактаб ишлаб турибди. Малтада мусулмонларга ўзига хос ҳурмат-эҳтиром кўрсатилади.

Аҳмад ТУРСУН



СЎЗЛАШДАН МАҚСАД АНГЛАТИШДИР

Абу Ҳурайрадан ривоят қилинишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Аллоҳга ва охират кунига ишонган киши яхши сўз сўзлашин ёки жим турсин” (*Имом Бухорий, Имом Муслим, Ибн Можа, Имом Термизий*), деганлар. Яна: “Бефойда сўзларни тарк этиш кишининг гўзал исломидандир” (*Имом Термизий*), деганлари ҳам ривоят қилинади.

Мавлоно Жалолиддин Румийнинг “Ичиндаги ичиндадир” асарида гўзал бир ривоят бор: Ҳазрати Усмон (розийаллоху анху) халифа бўлиши билан минбарга чиқди ва халк: “Ажабо, нима дер экан?” деб кутди. Бироқ Ҳазрати Усмон индамади. Ақалли бир сўз ҳам айтмади. Фақат боқди ва халқда шундай бир ҳол пайдо бўлди, ҳеч кимда ташқарига чиқишга мадор қолмади. Шу вақтгача қилинган юзлаб хутбалар чоғи бундай ҳол ҳосил бўлмаган, мўминлар бундай ҳол соясида ўзлари учун фойда ва сирларни ҳеч қачон бунчалик кўп кашф этишмаган эди. Усмон (розийаллоху анху) йиғин тугагунча гапирмади. Фақат минбардан тушаётганида: “Сиз учун фаол имон маҳмадона имондан хайрлидир”, деди. У ҳақ гапни айтди. Чунки сўз айтмоқдан мақсад бир фойда бермоқ, қалбга таъсир этмоқ, ахлоқни ўзгартирмоқ ва ҳоказо яхшиликлар қилмоқдир. Ҳолбуки, Ҳазрати Усмон лом-лим демаса ҳам, гапирган вақтидагидан кўпроқ фойда келтирди.

Расулulloхнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) муборак чехраларини кўрган бир аъробий Исломни қабул этганини эълон қилиб, бунга шундай изоҳ берган эди: “Гувоҳлик бераман, бу юз ёлғончининг юзи эмас”.

Расулulloхнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) сукутлари узун бўларди. Гапирсалар, орқама-орқа сўзламасдилар, балки тўхтаб-тўхтаб ва яхши тушунилиши учун сўзларни такрорлаб-такрорлаб гапирардилар.

Солиҳ салафлар оз сўзлашни, сўзлашса ҳам фақат зарур, рост, фойдали сўзлашни одат қилишган, бошқаларни ҳам шунга чорлашган.

Абу Ҳурайрадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади. Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Кишининг ҳар бир эшитган нарсасини гапириши ёлғончилигига кифоя қилади”, деганлар (*Имом Муслим*).

“Тўғрисўзликнинг энг паст даражаси таш билан ичнинг тенг бўлишидир”, деган Абулқосим Кушайрий.

Абу Ҳурайра (розийаллоху анху) айтишлари-ча, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Гумондан четланинглар, чунки гумон сўзларнинг энг ёлғонидир!” деганлар (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Абдуллох ибн Амр ибн Оссдан (розийаллоху анху) Расулulloхнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Гапирганда худди сигир тилига хашак ўрагани каби сўзни бураб гапирувчиларни Аллох таоло ёмон кўради” деганлари келтирилади (*Имом Абу Довуд, Имом Термизий*).

Ўринсиз мақтов сўзларнинг энг ёмонидир. Абу Мусо Ашъарийдан (розийаллоху анху) ривоят қилинишича, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам) бир кишининг бошқа бировни кўкларга кўтариб мақтаётганини эшитиб: “Уни ҳалок қилдинглар (ёки ўша кишининг белини синдинглар)-ку”, деган эканлар (*Имом Бухорий, Имом Муслим*).

Абу Бақр Сиддиқ (розийаллоху анху): “Аллоҳдан ўзганинг шаънига айтилган сўз (мақтов)-да яхшилик йўқ”, деган бўлсалар, Абдуллох ибн Масъуд (розийаллоху анху): “Тилинган бошқа узоқ вақт қамаб кўйишга лойиқ ҳеч нарсанг йўқ”, деганлар.

Абу Дардо (розийаллоху анху): “Оғзингга қараганда қулоғингга инсоф қил. Гапиришингдан кўра кўпроқ эшитишинг учун сенга икки қулоқ ва бир оғиз ато этилган”, дейдилар.

Сергаплик ва сўзамоллик фазилат эмас, қусурдир. Айрим гапирувчилар нутқларини сохта кофиялар билан безаб, ёдлаб олинган сўзларни аямай ишлатиб одамларга ёқмоқчи бўлишади. Ҳолбуки, Расулulloх (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Ҳақиқатда, сергап, беҳуда жаврайдиган ва эзмаларингиз менга энг ёмон кўринганларингиз ва қиёматда мендан энг узоқларингиздир”, деганлар (*Имом Термизий*).

Сўзлашда ҳазил-мутойиба, қочирим, шама, киноя мубоҳ бўлса-да, меъёрни сақлаган маъқул. Агар рост сўзланса, бир оз ҳазил-мутойибадан қайтарилмайди. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳам ҳазил қилардилар ва рост сўзни айтардилар. У зот бир кишига: “Эй икки қулоқ эгаси!” деганлар (*Имом Термизий*). Бошқа бир кишига: “Мен сени туянинг боласига миндираман”, дедилар (*Имом Термизий, Абу Довуд*).

Сўзга бефарқлик ва эътиборсизликнинг бир кўриниши сўзни гуноҳ ишларда қўллашдир. Сирни ошкор этиш ва ваъдани бузиш, сўз ва қасам-

да ёлгонлаш, ўзгаларни мазах, кулги қилиш, ғийбат ва миш-миш тарқатиш кабиларнинг ҳаммаси динимиз ман этган ишлардир.

Мавлоно Жалолиддин Румий сўз ҳақида кўп ва хўб айтганлар: “Ул қизил юзнинг сўзи – шукри сано, лек сариқ юз нолиши – жабру жафо”; “Муддао сўз сўзламоқдан – англатиш”; “Бузуқ сўзлар бузуқ кўнгилларга хуш ёқар”; “Бир оғиз сўз дунёни қилар вайрон, бир оғиз сўз мурдага бағишлар жон”; “Сўз – кийим, маъно – кийим ичра яширин сирлардир”; “Жавоб бермаслик ҳам ўзига хос жавобдир”.

Агар ақл кишиларнинг гап-сўзи миқдорига кўра ўлчанганида эди, одамларнинг энг ақллиси уларнинг энг сергаплари бўлар эди. Илк мусулмонларда тортишув кам, амал кўп бўларди. Улар сўзга бахил, молга сахий эдилар. Кейингиларда эса тортишув кўп, амал оз бўлди. Сўзда сахий, молда бахилга айла-нишди.

Сўфи Оллоёр айтади:

Ямон тил икки оламда зарардир,
Гаҳи исён, гаҳи хавфу хатардир.
Ямон тил шумлиги гоҳ жонга ургай,
Гаҳи жондин ўтиб имонга ургай.

Аллоҳ инсонларнинг ташқи кўринишига, айтаётган сўзларига эътибор қилмайди, қалбига, ҳолига қарайди. Киши фикрини сўз билан ифодалайди, лекин бу сўз кўнгилдан чиқдими ё йўқми – муҳими шу! Сўз фикрни етказиш қуроли, мақсад эса, кўнгилни забт этиш. Кўнгил ўртанмаса, эҳтиросга тўлмаса, сўзда таъсир бўлмайди. “Тил фақат тўғри сўзни айтиш ва Аллоҳни зикр қилиш учундир”, деган эди Абулҳасан Занжоний.

Аҳмад МУҲАММАД

Бағритош бўлмайлик

Кувёв бўлган йигитга яқинлари бир вақтлар: “Оила хуржуни елкангга тушибди-да”, дейишарди. Сабаби, миллий одатларимизга кўра, эркак оила устун, рўзғор харажатларини зиммасига олиши керак. Аёл рўзғорнинг ички ташвишлари, бола тарбияси, пишириш, ювиб-тараш билан шуғулланиши лозим. Шунда оила барқарорлик мезонини йўқотмайди.

Афсус, баъзи эрлар оиладаги масъулиятини унутаятгани боис уйда “ўтириб” қолишяпти. Аёллар эса, аксинча, пул топиш учун кўчага чиқишяпти, ундан нарироққа ҳам боришяпти бугун. Пултопар аёллар, “хонанишин” эрлар кўпайиши ачинарли. Бундай оилалардаги муҳит бола тарбиясига ёмон таъсир кўрсатади. Чунки оилани пул билан таъминлаётган аёл аста-секин эрини писанд қилмай кўяди, эру хотин муносабатлари бузилади, фарзандлар олдида отанинг таъсири йўқолади, онанинг ишларини эса, болалардай баъзилари қоралайди, баъзилари, кўз юмишга мажбур. Бу ҳол ахлоқий мезонлар бузилишига ҳам олиб боради.

Ифатини сақламаётган оналар, боласини ташлаб кетаётган аёллар, бузилаётган оилалар, суиқасдлар кўпаяётгани шундан эмасми?

Ҳали ҳам кеч эмас. “Мен эрман, оила ва Ватан посбониман, шунга муносиб бўлишим, эрлик қадр-қимматимни ўрнига қўйишим керак!” деб уриниш, меҳнат қилиш фурсати бор. Пул топиш йўлида ўзини минг азобга солаётган аёлингизни бу машаққатлардан халос этинг. Унга болажонлар тарбияси билан шуғулланиш шароитини яратинг. Меҳнатдан ор қилманг! Топган ҳалол маблағингизни рўзғорингизга сарфланг. Фарзандларингизга касб-ҳунар ўргатинг, илм олишга тарғиб қилинг.

Расулulloҳ (саллalloҳу алайҳи ва саллам) бир васиятларида: “Эй Али, бағритошда уч аломат бор: заифларга раҳм қилмайди, озга қоникмайди, ҳар қанча насихат беришса, қабул қилмайди”, деб марҳамат қилганлар.

Ота-боболаримиз оилани ҳамиша қаттиқ ҳимоя қилишган. Бу анъанани сақлаб қолиш эрлар зиммасидадир.

Бағритош бўлмайлик, азизлар...

Эргаш АТОЕВ,
Навойи вилояти



ИСЛОМ ВА ОЛАМ



Байрамларни бирдамликда ўтказайлик



Ислом Конференцияси Ташкилоти (ИКТ) бош котиби Акмалуддин Эҳсонўгли 11 июн куни Тунисда ўтказилган анжуманда ташкилотга аъзо барча мамлакатлар учун ягона ҳижрий тақвимни қабул қилиш мусулмонлар манфаатларини, Ислом олами бирлигини ҳимоя этишда

муҳимлигини таъкидлади. Ҳижрий тақвим масалаларига бағишланган мазкур анжуманни ИКТ, Ислом фикҳи халқаро академияси ва Тунис дин ишлари вазирлиги ҳамкорликда ташкил этишди.

Акмалуддин Эҳсонўгли мусулмонлар исломий байрамларни ўзаро бирдамлик ва аҳилликни намойиш этиб, бир кунда нишонлашлари керак, дея таъкидлади. Бош котибнинг айтишича, байрам кунларини аниқ белгилашда замонавий техника ва илмий манбалар етишмовчилигини рўқач қилиш энди ўзини оқламайди. Бугун фазони кузатишнинг, аниқ вақт ҳисобини юритишнинг мукамал воситалари ҳархилликларни бартараф этиш имконини беради.

Исломий санъат асарлари Олмонияда



Берлин шаҳридаги (Олмония) “Пергамон” музейи мутахассислари доимий фойдаланиш учун Буюк Британиядан исломий санъат асарлари жамланмасини олиш тўғрисидаги битимни имзолашди. 1500 исломий санъат

асаридан иборат мазкур жамланма асли венгриялик, ҳозир Лондонда яшайдиган қурувчи-мутахассис Эдмунд де Унгерга тегишлидир.

Пруссия маданият уюшмаси олимлари фикрича, Эдмунд де Унгер тўплаган ашёлар дунёда энг яхши исломий санъат асарларидан ҳисобланади. Жамланмани узоқ муддатли фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномага уюшма раҳбари Ҳерманн Парцингер ва Эдмунд де Унгернинг ҳуқуқшуноси имзо чекишди.

Кўҳна Булғор меҳмонлари

Татаристон Республикаси Спасский тумани Кўҳна Булғор тарихий-маданий мажмуасида маҳаллий аҳолининг Ислом динини қабул қилганига 1120 йил тўлиши муносабати билан ўтказилган тантаналарга мамлакатнинг турли ҳудудларидан 15 мингдан ортиқ киши келди.



Россия Федерациясининг йигирмадан ортиқ минтақасидан диний бошқармалар раҳбарлари, Туркия дин ишлари вазири Али Бардоқ ўғли анжуман меҳмонлари бўлишди.

Ўтган йиллардагидан фарқли ўларок, бу йил анжуман қатнашчиларига миллий-маданий дастур кенг намойиш этилди. Кўҳна Булғор мажмуасида мазкур анъанавий анжуман пешин намозини адо этиш, ўтган аждодлар руҳониятига бағишлаб Қуръони карим оятларидан тиловат этиш билан якунланди.

Олмония мусулмонлари

Олмония ички ишлар вазирлиги ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, ҳозир мамлакатда тўрт миллион уч юз минг мусулмон





яшар экан. Бу адад мамлакат аҳолисининг 5,2 фоизини ташкил этади. Уларнинг кўпи – 63,2 фоизи (2,5 миллион киши) мамлакатга Туркиядан, қолганлари жанубий ва шарқий Оврупадан (13,6 фоиз), Яқин Шарқдан (8 фоиз), Шимолий Африқодан (7 фоиз) келишган. Мусулмонларнинг 45 фоизи Олмония фуқаролигини олишган. Мамлакат мусулмонларининг 98 фоизи 1990 йилги бирлашувга қадар ГФР таркибида бўлган “эски федерал ерлар”да яшашади.

Бош котибнинг АҚШга сафари


Ислом Конференцияси Ташкилоти бош котиби Акмалуддин Эҳсонўгли июн ойининг 24-куни АҚШ пойтахти Вашингтонга расмий сафар қилди. Бош котибнинг АҚШ пойтахтида олиб борган музокараларида Фаластин-Исроил муаммолари, Покистонга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш бош мавзу бўлди. АҚШнинг Ислом олами билан муносабатлари ҳам муҳокама этилди.



Вашингтонда ташкилотнинг махсус элчиси иш бошлаганидан сўнг аъзо мамлакатлар сонига кўра БМТдан сўнг дунёда иккинчи ўринни эгаллаган ИКТ билан АҚШ муносабатлари анча кенгайди.

АҚШ пойтахтига сафари чоғида Акмалуддин Эҳсонўгли яқинда Белгияда ИКТнинг ваколатхонаси очилишини маълум қилди.

Энг катта муаммони ҳал этиш учун



Туркия пойтахти Анқара шаҳрида табиатни муҳофаза қилиш муаммолари ва Ислом оламининг бу хайрли ишга кўшажак ҳиссасига бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда атроф-муҳит мусаффолиги масалаларини ўрганувчи жуда кўп олим ва экспертлар иштирок этишди. Анжуманни уюштирган “Earih Center of Dialogie Parthe” ташкилоти раҳбари Маҳмуд Акиф айтишича, “бутунжа-

ҳон экология инқирози ҳозирги кунда бутун инсоният олдида турган энг мураккаб муаммодир”. Анжуман иштирокчилари ялпи модернлашиш ва глобаллашиш, саноат қамровининг жадал кенгайиши шароитида белгиланган етти йиллик режага биноан табиатни ҳимоя қилиш чора-тадбирларини муҳокама этишди.

Синай кодекси Инжилнинг аслига яқин

Олимлар Инжил – Эски ва Янги аҳднинг энг қадимги икки юнонча нусхасидан бири – Синай кодексини тадқиқ этишиб, интернет тармоғига киритишди. Мазкур нусхада Исонинг (алайҳиссалом) “тирилиб”, ҳаворийлар олдида келиши баён қилинмаган. Шу боис милодий тўртинчи асрга оид ушбу 800 варақли нусхада Инжилнинг кейин кўчирилган нусхаларидан 12 та кўшиқ кам экани маълум бўлди.

Чиндан ҳам Исо (алайҳиссалом) чормихга тортиб ўлдирилмаган, балки ҳали ҳам ҳаёт. Қуръони каримда зикр этилганидек, Аллоҳ таоло у кишини осмонга кўтарган.

Мазкур Синай кодекси варақлари тўрт жойда: Россия миллий кутубхонасида, Британия кутубхонасида, Лейпциг университети кутубхонасида ва Синайдаги авлиё Екаторина монастири кутубхонасида сақланади.

Кодекснинг электрон шаклини тайёрлашда 1975 йили топилган (Екаторина монастири) нусхаси асос қилиб олинган. Тўрт йил давом этиб, миллион фунт-стерлинг маблағ сарфланган мазкур тадқиқот жараёнида Синай кодексини аввал тахмин қилинганидек уч киши эмас, балки тўрт киши кўчиргани аниқланди.

Еттинчи халқаро анжуман

10-12 июл кунлари Арманистоннинг Цахказор шаҳрида “Туркий дунё, Кавказ ва Эрон. Тамаддунлар бирлашуви чорраҳаси” мавзуда аъъанавий еттинчи халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманнинг мақсади Марказий Осиёдан шарқий Оврупагача, жанубий Россиядан Эронгача бўлган минтақа халқларининг жаҳон тарихидаги ўрни ва инсоният тамаддунига қўшган ҳиссасини баҳолаш, глобаллашув жараёнларининг бугунги минтақавий ҳамкорликка таъсирини ўрганиш, ривожланишнинг истиқбол режаларини тадқиқ этишдир.

Ереван университети эроншунослик кафедраси мудири Гарник Асатрян айтишича, бу йил анжуманга 21 мамлакатдан 100 на-

фар тадқиқотчи иштирок этди. Улар орасида жаҳонга машҳур туркшунослар, диншунослар, этнографлар бор.

Анжуман хулосалари умумлаштирилиб, бир неча тилда чоп этилади.

Эски кўза синиқлари



Қадимшунослар Я п о н и я н и н г Хэйдзёкё шахрининг қадимий сарой жойлашган худудидан арабий ёзув нақш этилган эски кўза синиқларини топишди. Бу парчалар араб-мусулмон шарқидан Японияга келтирилган энг қадимий кўзага тегишли экани маълум бўлди.

“Асаши Шимбун” газети ёзишича, бўйи тахминан ярим метр бўлган (милодий VII аср) кўзанинг 19 та парчаси бир неча йил олдин Фукуока қўрғонидан топилган сопол идиш синиқларидан тахминан юз ёшга катта.

Тадқиқотчилар бу кўза сирка каби суюқликлар сақлашга мўлжалланганини айтишяпти. Канандазава шахри университети қадимшунослик профессори Татсо Сасаки фикрича, мазкур топилма Хэйдзёкё шахри қадимда Буюк ипак йўлидаги энг сўнгги манзил бўлганини кўрсатади.

Мусхафни яхши сақлаш учун



Американинг “Wei’TO” компанияси мутахассислари Қуръони каримнинг энг қадимги қўлёзма нусхаларидан бири Тошкентдаги Ҳазрати Усмон Мусхафини таъмирлаш ишларида қатнашишмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Дин ишлари бўйича қўмита вакили айтишича, Американинг “Wei’TO” компаниясидан нодир китобларни ташқи таъсирлардан зарарсиз сақлаш ва қуритиш мосламаси сотиб олинган.

Июн ойида мазкур компания президенти Ричард Дэк Смит Тошкентга келиб, бир ҳафта соҳа мутахассислари билан ўқув-амалий машғулотлар ўтказди. Бу машғулотлар жараёнида Ўзбекистон мусулмонлари идора-

си кутубхонасида сақланаётган кўплаб нодир қўлёзмалар ташқи таъсирдан зарарсизлантирилди.

Тошкентдаги Ҳазрати Усмон Мусхафи милодий VII (илк хижрий) асрда кўчирилган 6 та энг ноёб қўлёзма нусхадан биридир. Мусхафни Соҳибқирон Амир Темур Самарқандга олиб келган.

Маърифатчи олимга бағишланди

Июл ойининг 5-куни Бошқирдистон Республикаси Чашма қўрғонида Хусайн Бек ҳаёти ва фаолиятига бағишланган аънавий тадбир ўтказилди. Тадбирда масжидларнинг имомлари, жамоат арбоблари, ижодкор зиёлилар, оддий мусулмонлар иштирок этишди.

Байрам доирасида Қуръони карим ҳофизлари мусобақаси ўтказилди. Иштирокчилар Хусайн Бекнинг Оқ Зиротдаги мақбарасини зиёрат қилишди.

Хусайн Бек милодий XIV асрда нўғай ҳукмдори Бараचा хон таклифига биноан Мовароуннаҳрдан бу ерларга келган.

Сулаймонтоғ ЮНЕСКО рўйхатида

6 июн куни ЮНЕСКОнинг Испанияда ўтган 33-й и ф и л и ш и д а кўшни Қирғизистон худудидаги Сулаймонтоғ тарихий-маданий мажмуасини “Бутунжаҳон мероси” рўйхатига киритиш таклифи бир овоздан маъқулланди.

Республика маданият вазири айтишича, комиссиядаги 21 аъзонинг розилигини олиш осон кечмаган.

Маълумотларга кўра, ҳозиргача “Муқаддас тоғ” йўналишида дунёнинг 100 мамлакатидан 1400 та тарихий-маданий ёдгорлик ўрганиб чиқилган. Сулаймонтоғни ЮНЕСКО бутунжаҳон мероси рўйхатига киритиш масаласи бундан ўн йил олдин кўтарилган эди.

Энди Сулаймонтоғдаги тарихий-маданий иншоотларни сақлаш, таъмирлаш учун ЮНЕСКО ҳар йили маблағ ажратади.



УЛУҒ ТАРИХЧИ ОЛИМ

Тарих билимдони, собиқ советлар даврида шарқ қўлёмалари тадқиқотчиларининг кўзга кўрингани Аҳмад Закий Валидий Тўғон эди. У 1890 йили 10 декабрда Бошқирдистоннинг Эшимбой туманидаги Кузяново қишлоғида мулла оиласида туғилган. Отаси Кузяново қишлоғидаги мадрасада дарс берар ва имомлик қилар эди. Аҳмад Закий Ислом асосларини, араб, форс тилларини шу мадрасада ўрганди. 1901-1908 йиллари она томонидан бобоси Ҳабибназарнинг қишлоғи Утяковдаги мадрасада таълим олди. Бу мадраса диний фанлар билан бир қаторда тарих, фалсафа, жуғрофия ва математикага ихтисослаштирилган эди. 1908 йили эса Оренбургдаги «Хусайния» мадрасасида ҳам ўқиди.

Бу орада Қозон университетига кириш имтиҳонларига тайёргарлик кўрди. 1908-1912 йиллари Қозоннинг «Қосимия» мадрасасида таълим олди. Таҳсил асносида уч йил мадрасада тарих ва араб тилидан дарс берди. Бу ерда биринчи бор шарқшунослик билан шуғуллана бошлади. 1912 йили ўзининг биринчи китоби «Турк ва татар тарихи»ни ёзиб тугатди. Бу асар унга катта шуҳрат келтирди. Қозон ва Петербург университетлари молиявий кўмаги билан шарқ қўлёмаларини ўрганиш учун уни Ўрта Осиёга юборишга қарор қилинди. 1913 йил кузида Қозон университети тарих, археология ва этнография жамияти шарқ қўлёмаларини ўрганиш учун Фарғона водийига илмий сафарга юборди. Валидий сафар чоғида 72 та қўлёмза топди ва илмий тадқиқ қилди. 1914 йили Россия ФА Марказий Осиё ва Узоқ Шарқни тадқиқ этиш халқаро жамияти йўлланмаси билан Бухоро амирлигига келди. Валидий бу ерда Қуръони каримнинг ўнинчи асрада туркий тилга ўгирилган энг қадимги ноёб нусхасини топишга муваффақ бўлди.¹

1923 йили Валидий шарқ ва Оврупа шаҳарларига илмий сафарларини бошлади. Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон каби ўлкаларда, Париж, Берлин, Прага, Будапешт каби шаҳарларда илмий изланиш олиб борди. Қаерда бўлмасин, ўша ердаги халқ тилини, тарихини ўрганишга ҳаракат қилди. Машҳур кутубхоналар ва архивларда илмий иш билан шуғулланди. Ноёб қўлёмаларни ўрганиб, уларни халққа тақдим этиш билан шуғулланди.

Маълумки, олим 1913-1914 йиллари Фарғонага, сўнг Бухорога сафар қилди. Ушбу сафари чоғида тарих ва янги замон ҳақида қимматли маълумотларни тўплади. 1923-1932 йиллар олим ҳаётида катта из қолдирди. У кўплаб манба ва изланишларига таяниб, асосий иши ҳисобланган «Замонавий Туркистон ва унинг яқин тарихи» китобини ёзди.

Китоб бошда учта катта бўлимдан таркиб топган, кейинчалик икки боб илова қилинган. Биринчи бўлим, туркий халқлар тарихига бағишлан-

ган. Улар яшаган ҳудуд Каспий денгизидан Олтой, Олатоғ, Тиёншон тоғларигача чўзилган. Иккинчи бўлим «Шарқий Туркистон» (ҳозирги Хитойнинг шарқий қисми) деб аталган. Учинчи боб «Шимоллий Туркистон» (Ўрол тоғлари қисми) деб аталган. Қолган икки боби қачон ёзилгани аниқ эмас.

Закий Валидий Тўғон Марказий Осиё тарихининг XVI асрдан XIX аср охири ва XX аср биринчи ярмигача даврини тадқиқ қилган. Унга қадар ҳам бу ўлка тарихи ёритилган илмий тадқиқот ишлари, асарлар, қўлёмза китоблар бор эди. Уларнинг барчаси билан танишиб чиққан Закий Валидий ўлка тарихи тўла ўрганилмаганига амин бўлади ва уни батафсил тадқиқ этишга киришади. Ўздан олдин бу ҳудуд тарихини ўрганган олимларнинг хато фикрларини рад этади. В.Григорьев, Ф.Шварс, Денисон Росс, Масалск, Махашик ва ҳатто В.Бартолднинг айрим фикрларини ёқламайди.

Китобнинг биринчи қисмида ўлканинг ҳудудий чегаралари тадқиқ қилинган бўлса, иккинчи қисмида турк халқларнинг келиб чиқиши ва қайси миллатлар бу гуруҳга кириши баён қилинади. Асарнинг учинчи қисми ўлканинг ўн олтинчи асргача бўлган тарихига бағишланади. Бу минтақада яшаган туб халқ кимлар бўлгани, уларни кимлар босиб олгани, ўлканинг бошқа халқлар маданияти билан алоқалари қандай бўлгани, кўк турклар ва Ислом дини ҳақида қимматли маълумотлар беради. Тўртинчи ва бешинчи боблар ўлкани чоризм босиб олиши ва сиёсий вазиятлар тафсилотига бағишланган. Китоб 615 саҳифадан иборат, сўнгги бетига қачон ёзилгани битилган. (Вена, Херналсер-Гюртел, 11, Тур, 1929 йил 10 октябрь). Бу катта илмий-тарихий изланиш тарихчиларга Марказий Осиё ҳақида кенг маълумот беради.

Аҳмад Закий Валидий Тўғон чет мамлакатларда ҳам илм билан шуғулланди. Турк, немис, франсуз, инглиз, араб, венгер, рус ва бошқирд тилларида тўрт юздан ортиқ илмий иш эълон қилди. «Бугунги турк эли ва яқин тарих» (Истанбул, 1942-1947) ва «Хотиралар» (Истанбул, 1969) каби машҳур асарлари шулар жумласидандир. Марказий Осиё тарихининг теран тадқиқотчиси Тўғоннинг хотиралари «Бўлинганни бўри ер» номи билан ўзбек тилида ҳам нашр қилинган. Валидий 1970 йил 26 июлда Истамбулда вафот этган. Унинг тадқиқотлари бугунги кунда қимматли аҳамиятга эгалиги билан ажралиб туради.

Нилуфар ТҶҲИЕВА,

Тошкент Ислом университети магистранти

¹ Жўраев М., Нуриллин Р. ва бошқалар. «Ўзбекистоннинг янги тарихи» — Т., «Шарқ», 2000. 203-бет.

Дилбар РАҲМАТОВА 1975 йили Китоб туманидаги “Қайнар” қишлоғида туғилган. “Ҳожа Бухорий” Ислом ўрта-маҳсуз билим юртини битирган. 1997 йилдан буён шу билим юртида фикҳ, наҳв, ҳадис фанларидан дарс беради. Оилали, икки фарзанди бор.

ЎЗИМИЗ ЎРНАК БЎЛАЙЛИК

— Дилбар опа, аввало сизни диний таълим тизимида ўтказилган “2009 йил ўқитувчиси” кўрик танлови ғолиби бўлганингиз билан табриклаймиз. Албатта, ҳар қандай ютуқ катта меҳнат, ижод талаб қилади. Бу ҳол, айниқса, аёлларимиз учун бир оз машаққатли кечади. Бойси, у аввало ОНА, у АЁЛ...

— Раҳмат. Бу ютуқни, биринчидан, Аллоҳ таолонинг марҳамати, қолаверса, ота-онам ва устозларимнинг дуолари, таълим-тарбиялари натижаси деб биламан. Шунингдек, меҳнат жамоамизнинг ҳам хизмати беқиёс. Албатта, катта-кичикми ҳар қандай муваффақият тинимсиз меҳнатни талаб қилади. Ким илмини ошириб бораверса, меҳнат қилса, интилса, кўзлаган мақсадига эришади, жамиятда ўз ўрнига эга бўлади, деб ўйлайман.

— Энди мадрасадаги фаолиятингиздан кенгроқ масалага ўтсак. Биласиз, вилоят ва ту-

манларда, айниқса, аёл-қизлар орасида динимизга бир қанча ёт хурофий ва бидъат амалларга берилиш ҳоллари учрайди. Шу ҳақда нима дейсиз?

— Халқимиз, айниқса аёлларимиз хурофий ва бидъат амаллардан ҳали-ҳануз чарчамади. Баъзилари мазорларга назрниёзлар қилишади, қабрлардан нажот сўрашади ва ҳоказо.

Ҳолбуки, муфассал имон қалимасида айтилишича, бандага яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллоҳ таолодан етади. Буни ҳамма билади, лекин негадир кўплар риоя этмайди. Аёлларимизга бу масалада гап очсак, дарров: “Нима, сизлар авлиёларни зиёрат қилмайсизларми? Кароматларига ишонмайсизларми?” дейишади. Албатта, қабристонларни ибрат учун зиёрат қилиш ёмон эмас, азиз-авлиёларнинг кароматларига ҳам ишонамиз, ҳақларига дуолар қиламиз. Аммо қабрларига сиғиниб, улардан кўмак сўраш хурофий амал-ку!

Аёллар орасидан чиққан авлиёлар ҳақида ривоятлар ва қиссаларни халқ орасида, йиғинларда қиссахон отинлар оҳанг билан ўқишади. Аёллар йиғилишиб, “Биби Сешанба” ва “Мушкулкушод” ўтиришларида бундай қиссаларни йиғлаб эшитишади. Бундай йиғинларда ўтган зотлар-

нинг руҳидан мадад сўралади, ҳожатлар тиланади. Бу ишлар катта хато ва гуноҳдир.

Аслида мўмин-мусулмон киши ҳар қандай мушкулнинг ечилишини Аллоҳ таолодан сўраши, умид қилиши керак.

Бу амалларга ажратилган вақту маблағни илм олишга, ўтганларни дуо қилишга бағишлаган яхши эмасми?

Ёшларимиз шундай бидъат ва хурофотлар, Исломга ёт оқимлар ё миссионерлар таъсирига тушиб қолмасликлари учун ўқув даргоҳлари ва маҳаллаларда мутахассислар суҳбатлар ўтказишиб, уларга маънавият ва соғлом эътиқодни, ватанпарварликни тушунтириб боришса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Туманимиз маънавият ва тарғибот маркази, ички ишлар бўлими, хотин-қизлар қўмитаси ва “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати кенгаши ҳамда Хожа Бухорий Ислом ўрта-маҳсуз билим юрти ҳамкорликда жойларда режа асосида суҳбатлар ташкил этишмоқда. Бундай суҳбатларни билим юртимиз мударрислари олиб боришяпти.

— Биласизми, журналимизда “Аёллар саҳифаси” рўқни очилган...

— Бу саҳифаларда аёлларнинг оилада ва жамиятда тутган ўрни ҳамда кейинги пайтда аёллар ўртасида долзарб бўлган муаммолар кенгроқ ёритилишини истардим. 2009 йил 2-сонидан нашр этилган “Қайтар дунё” номли ҳикоя менга жуда ёқди. Ёшларимиз ўртак бўладиган ана шундай мақола ва ҳикояларни ўқишлари керак. “Сен болангга фақат насиҳат ва танбеҳлар берма, балки ўртак бўл” деб айтишади-ку! Жамиятда, оилада аёл-қизларимиз қанча чиройли тарбия кўришган бўлса, келажакда ёшларимиз шунчалик тарбияли бўлади.

РАЙҲОНА
суҳбатлашди



Яхшиликда ҳикмат кўп

Яхшиликда ҳикмат кўп. Ҳаёт кўрсатавераркан, бу гапнинг магзини чақиб боравераркансиз. Аммо баъзан яхшилик қилмоқчи бўласиз-у, имкон йўқдай кўринади. Шунда ҳам уни қўлдан бой бермаслик яхши экан.

Ишга шошаётган эдим, аксига олиб автобус кеч келди, камига жуда секин юрди. Тоқатсизландим. Кечагина ишга кечикиб, бошлиқ олдида уялганим боис бугун эртароқ бормоқчи эдим.

Бир бекатда мункиллаган онахон автобусга чиқиб олгунича анча вақт кетди. Унга жой беришди. Онахонга разм сола бошладим. Жуда кекса, юзида сон-саноксиз ажинлар, қовжироқ қўлларида ҳасса, кўзлари зўрага кўрса керак. “Бунақа ҳолда кўчага чиқиб нима қилади?” деган ўй ўтди хаёлимдан. Бир пайт онахон шикаста овозда: “Болам, Чорсуга борадими?” деб сўради. “Ҳа”, дедим. “Болажоним, менга бир китоб керак эди, Чорсудаги китоб дўконидан олишиб юбормайсанми?..” Ичимда: “Ахир, ишга кечикаман-ку”, деб нотинчландим. Онахон эса қариликнинг ожиз нигоҳи билан менга боқиб турарди. Йўқ деёлмадим.

Чорсуга етгач, онахонни автобусдан туширдим. Қўлларидан тутиб, китоб дўконига олиб кирдим. Яхшиликни охиригача қилай деб китобни олиб бериб, яна автобусига чиқариб юбордим.

Яна ишга кечикдим. Боряпману кўз ўнгимда бошлиқнинг зардали нигоҳи гавдаланди. Унга нима дейман? Ҳозирги воқеани айтсам, албатта баҳона дейиши тайин. Шунақа кечикаверсам, ишимдан айрилишим ҳам мумкин. Бошқа ишончлироқ сабаб қидирсамми? Йўқ, нима бўлса ҳам, ростини гапираман.

Кутилган вазиятга тайёр бўлиб ишхонага кирдим. Бошлиғимиз бир жойга кетган экан. Севинганимча, ишга киришдим. Тушдан сўнг бошлиқ чақираётганини айтишди. Ҳавотирланиб: “Кеч келганимни билган

бўлса...” деган ўй билан хузурига кирдим. Бошлиқдан яхши ишлаганим учун мукофотга лойиқ кўрилганим хабарини эшитиб, ўша онахоннинг “...олганинг олтин, мартабанг улуг бўлсин...” деган дуоси хаёлимдан ўтди.

ОҚИЛА,
Тошкент

Мўмин мўминга кўзгу

Чиройли кийинишни яхши кўрардим. Мен кийган кўйлак хилини бировнинг эғнида кўриб қолсам, уни бошқа киймасдим. Кийим тиктириш учун неча кунлаб янгилик танлардим.

Маошимни олиб бозорга тушдим. Камёб бичимдаги кийим излай-излай турк фирмасыга қарашли растага келиб қолдим. Китобдаги расмларига қараб хушбичим кўйлак танладим. Албатта, нархиям чакки эмасди. Мақсадимга етганимдан хурсанд эдим. Бундан дугоналарим хабарсиз қолмади, албатта. Лекин анча пайтгача киймай юрдим. Бир кунни бир дугонам ўша кўйлак ҳақида сўраб қолди. Унга муносиб оёқ кийимим йўқлигини айтиб, бозор тушишга вақт тополмаётганимдан шикоят қилдим. Агар мос оёқ кийим бўлмаса, кўйлагимнинг қиймати билинмай қолишини айтдим. Шунда у: “Кийим кўз-кўз қилиш учун эмас, баданни беркитиш учун кийилади. Бу мақсаддан бошқаси бугунингга ҳам, охиратингга ҳам фойдасиз”, деди. Тортишиб кўрдим, аммо унинг: “Оддий кийиниш ҳам имондан” (*Термизий ривояти*), деган гапи таъсир қилди. Беихтиёр, “Мусулмон мусулмоннинг кўзгусидир. Унда бирор камчилик ёки нуқсонни кўриб қолса, дарҳол тузатиб қўяди” (*Табароний ривояти*), деган ҳадис эдимга тушди. Дугонамнинг камтарона нигоҳига миннатдор боқдим...

ЧЎЛПОНОЙ,
Китоб тумани

Холис ният

Қанча ҳаракат қилмай, ўқишга ҳар кунгидан кўра озгина кечроқ отландим. Остона ҳатлаб чиқар эканман, дугонам Наргизани жудаям соғинганимни, уни жудаям кўргим келаятганини ҳис қилдим. Кўчага чиқишдан олдин ният қилаётиб, Аллоҳдан Наргиза билан учраштиришини сўрадим.

Бизнинг бекатдан институтизмизга биттагина автобус боради, у ҳам ўтиб кетган шекилли, бир муддат кутиб қолдим. Бетоқатланганим сари фақат бошқа автобуслар келарди. Мана, яна биттаси келяпти. Тўхтаб турган автобус ичидаги йўловчиларга ҳафсаласиз қараб туриб... ё Аллоҳ, уларнинг орасида Наргизага кўзим тушди. Шошилганча автобусга чиқиб олдим. Дийдорга нима етсин! Қаранг, дугонам ҳам мени кўришни истаб, эрта тонгдан яхши ният қилган экан.

Кўнглимни бир умид мунаввар қилди – бандасининг кўнглидан кечган кичиккина дуони ижобат этган Парвардигор бошқа ниятларига ҳам етказди, иншааллоҳ!

Сайёра АБДУҒАФУР қизи,
Тошкент



Араб ёзуви қадимдан араб ва бошқа мусулмон халқлар тарихи, маданияти ва илмий меросини аждодлардан авлодларга етказувчи восита бўлиб келган. Хоссатан сулс хат тури Марказий Осиёда ҳам кенг тарқалиб, заррин кошнлар, масжид ва мадраса пештоқларидаги гўзал безакли ёзувлар сифатида маданиятимиз ноёб дурдонасига айланган.

лари бўйича энг қийин ёзув ҳисобланади. Шу боис бирор моҳир хаттот ҳақида сўз борганида, «у сулс хатининг устаси», дейилади. Бу таърифдан у камида йигирма йил араб хати қоида ва усулларини ўргангани тушунилади.

Сулс хатида хаттот маттни чиройли, мутаносиб тарзда ёзиши муҳим. Бу ерда ҳарфлар ҳар қандай шаклда ҳам маъно



СУЛС ХАТИ ҚАНДАЙ ЁЗУВ?



Аббосий ҳукмдорлардан бири Рум подшоҳини ҳидоятга бошлаш учун борганида черков эшигида араб ёзувини кўриб қолади ва бу ҳақда улардан сўрайди. Улар: “Бу Маъмуннинг ёзуви, уни Аҳмад ибн Абу Холид кўчирган, чиройли экан, шу ерга осиб қўйдик”, дейишади.

Дунё қўлёзма хазиналарида араб ёзувининг Ислоом келишидан то ҳозирги кунимизгача бўлган намуналарининг юздан ортиқ тури бор. Булардан сулс хати мукаммал ёзувлар сирасига киради ҳамда гўзаллиги ва шакли жиҳатидан бошқа хат турларидан фарқланади. Ёзув қоидаси, шакли ва тасвир усул-

касб этишга катта аҳамият берилган.

Сулс усталарининг услублари ҳар хил, ҳарфларга шакл ва жило беришлари ҳам турличадир. Сулс хатини энгил тартибда ёки рисола тарзида, қийин таркибда ёки ёзувнинг мураккаб шаклий қурилиши тарзида ҳам ёзиш мумкин. Сулс ёзувини ёзиш кўп вақт талаб қилгани учун у фақат Қуръони каримни кўчиришда, асарларнинг номи, баъзи оят ва ибораларни ёзишда ишлатилган. Бу хат тури кўпроқ масжид ва хонақоҳлар деворларини безашда ишлатилган.

Мазкур ёзувнинг “сулс хати” деб номланиши учи бир хил қилиб уч тарафдан тарошланган қалам билан ёзилиши туфайлидир. Сулс хати жалил ва тумар хат турларидан анча кичикроқ. Лекин чиройлилиги, бежиримлиги ва кўркамлиги боис араб хатининг энг юксак намуналаридан ҳисобланади ҳамда бошқа хат турларига асосий манба ҳам бўлади. Сулс хати қоидаларини билмаган киши хаттот деб эътироф этилмайди.

Сулс хатини ҳижрий 136 (милодий 753) йили умавийлар даврининг биринчи ва тенгсиз хаттоти Кутба ал-Мухаррир ихтиро этган. У ўша пайтда мав-

жуд ҳижоз ёзувидан тўрт хил хат турини чиқарган, улар эса ўз навбатида яна бир-бирдан андоза олган.

Хаттотларга манбаларни жамлаб берганлардан бири Ибн Муқоладир. У биринчи бўлиб сулс хатининг қоидаларини ишлаб чиқди ва фан соҳаси сифатида муомалага киритди. Ибн Муқолладан сўнг тарих саҳифасига хаттот Ибн ал-Баввоб чиқди. У бу хатнинг янги ва чиройли турларини ихтиро қилди. Ундан кейин келган хаттотлар сулс хатини янада такомиллаштиришди ва унинг турли гўзал шаклларини яратишди.

Сулс хати шакл ва ёзилиш услубига кўра бир неча турга бўлинади: жаллий (жилоланган), маҳбук (нақшинкор), захрафий (безакли), расмга ўхшаш, мухтазил (қисқартирилган) ва мутанозир (бир-бирига қарама-қарши) сулс хатлари.

Ушбу исломий санъат турининг давомчилари ҳозирги кунда ҳам юртимиздаги тарихий-меъморий ёдгорликларни тиклаш-таъмирлаш ишларида маҳоратларини намоён этишяпти.

Фахриддин МУҲАММАДИЕВ,

Имом Бухорий халқаро маркази манбашунослик бўлими мудири

ШАРАФИЙБОЙ МАДРАСАСИ

Тошкент қадимдан илм-маърифат шаҳри бўлиб келган. Шаҳарнинг ўнлаб мадрасаларидан улуғ олимлар, йирик мутафаккирлар, адиблар етишиб чиққан.

Кўкча даҳаси “Пичоқчилик” маҳалласи Тошкентнинг энг гавжум жойларидан бўлган. Аҳоли зич жойлашгани учун бу ҳудудда бир неча масжид ва мадраса бўлган. “Шукурхон”, “Эшон Бўрихўжа Санчиқмони”, “Чукурхон” мадрасалари шулар жумласидандир. Архив ҳужжатларида бу даҳада олтмишдан ортиқ масжид бўлгани ҳақида маълумот берилади. Йигирманчи аср бошларида Тошкентда йигирмадан ортиқ мадраса бўлиб, улардан баъзилари ҳозиргача тўлиқ ёки қисман сақланиб қолган.

“Шарафийбой” мадрасасини 1820 йили Шарафийбой Зайнобиддин ўғли қурдирган. Айрим манбаларда у кишининг исми “Шарифбой”, “Шарафиддинбой” шаклида ҳам учрайди.

Муҳаммад Солиххожа “Тарихи жадиди Тошканд” асарида ёзишича, 1865 йилдан кейин мазкур мадраса пишиқ ғиштдан қайта тикланади. Мадраса таркибида жума намози ўқиладиган масжид ҳам бўлган. Мадраса ҳам, масжид ҳам бир неча дўкон ва ерлардан иборат вақфлардан келадиган даромад ҳисобига ишлаган.

Манбаларда Шарафийбой хусусида маълумотлар жуда кам. 1866 йилда Тошкентда бўлган рус олими П.Пашино Чорсуда Шарафийбойнинг карвонсаройи ҳам бўлгани ҳақида маълумот бериб, унинг бир йиллик даромади тўрт юз минг рубл эканини айтиди.

Маҳаллий халқ вакиллари гувоҳлик беришича, Шарафийбой асли уфалик бўлган. Сўнгра Тошкентга келиб, бир неча йил шу ерда истиқомат қилган.

Мажмуа таркибидаги масжид биноси ва

унга ёндашган хоналар ўртаси ҳовузли ҳовлини ўраб турган. Кўчалар кесишган бурчакда пештоқли дарвозахона қурилган. Унинг гулдастаси мезанали минора кўринишида бўлган. Пештоқнинг баландлиги олти метр, мезана қуббасигача тўққиз метр. Пештоқ равоғи ичида, дарвоза устида рангли кошнларга битилган ёзув бўлган.

Масжид хонақоҳи чорқирра шаклида, чўзиқроқ ёйсимон гумбаз билан ёпилган. Иморатнинг баландлиги ўн метр. Хонақоҳда ўзаро кесишувчи чуқур равоқли тоқилар бор. Тўрт бурчакдаги Балхи услубида гумбаз билан ёпилган ҳужраларнинг иккитасидан айвонга, иккитасидан хонақоҳга чиқилади.

Хонақоҳнинг жануб ва шарқига айвонлар қурилган. Жанубий айвонга саккизта саккиз қиррали нақшинкор устун ўрнатилган. Уларга ислимий услубида нақш берилган.

Айвоннинг ғарбий деворида ганч ўймакорлиги билан безатилган меҳроб бор. Унинг юқорисида арабча ёзув бўлган. Меҳроб равоғи мураккаб тизимли муқарнаслар билан тўлдирилган.

Мадраса хоналари талабалар истиқомат қилишига, дарс ўқишига мўлжалланган. Совет даврида таъмирлашлар чоғида ганч безаклар йўқолиб кетган, мадраса биноси омборхона қилиб қўйилган. Мустақиллик йилларида бу бино тарихий обида сифатида давлат муҳофазасига олинди.

Шаҳримизда бу каби илм даргоҳларининг кўплиги Тошкентнинг қадимдан маърифат ўчоғи бўлганига далолат қилади. “Шарафийбой” мадрасаси Тошкентнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан қайта таъмирландиган бўлди.

Фуломжон БОБОЖОНОВ,

Тошкент Ислом институти битирувчиси



ШУҲРАТ ЛИБОСИНИ КИЙМАНГ!

Барча соҳалардаги каби кийинишда ҳам мўтадиллик зарур. Одамларнинг кимўзарга камёб ва қимматбаҳо кийим кийиб, бу билан фахрланиши ҳам, бир жинснинг ўзга жинсга тақлид қилиши ҳам қораланади.

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Эҳтимол, жулдур кийимли, тупроққа беланган бир кимсанинг дуоларини Аллоҳ ижобат этиб, уни аброрлардан қилар”, деганлар (*Термизий ривояти*).

Ёш йигит-қизларнинг кўча-кўйда одамлар нигоҳини ўзига қаратиб, қоматини кийимлар кўрғазмасига айлантириб юриши айни ҳамоқатдир. Баъзи бекорчи ёшлар уйларида соатлаб вақтларини қиёфаларини янада жозибаторроқ қилишга, хушбичимли эканларига ўзларини ишонтиришга сарфлашади. Улар кийимларни жисмларига монанд қилишни айни камолот нишонаси, деб ҳисоблашади. Шу вақтларини илм олиш ёки хунар ўрганишга бағишлашса, ўзларига ҳам, жамиятга ҳам фойдалироқ бўлармиди?

Динимиз бу каби енгилтакликни қоралайди ва мусулмонларни бундан холи бўлишга ундайди... Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ким дунёда шуҳрат либосини кийса, қиёмат куни Аллоҳ унга хорлик кийимини кийдиради ва унга ўт қўяди”, деганлар (*Ибн Можжа ривояти*).

Кийиниш одобларидан хабарсиз, ўзига бино қўйган эр ёки аёл қимматбаҳо кийим нуқсонларимизни беркитади деб ўйлашади... Қани эди шундай бўлса!



Абу Бурайда (розиаллоҳу анҳу) айтади: “Ойша (розиаллоҳу анҳу) олдиларига кирдим, Ойша онамиз бизга эчки терисидан тикилган кўйлак ва Яманда тўқилган дағал изорни олиб чиқдилар ва қасам ичиб, Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шу икки либосда жон таслим қилганларини айтдилар” (*Бухорий ривояти*).

Жобирдан (розиаллоҳу анҳу) ривоят қилинади: “Али билан Фотиманинг (розиаллоҳу анҳумо) тўйларида бўлдик, бундан яхши тўйни кўрмадик. Уларнинг тўшакларини хурмо толалари билан тўлдириб бердик ва майиз еб зиёфат қилдик. Фотиманинг ўша кунги тўшаклари қўй терисидан эди”.

Ортиқча нарсага қизиқмаслик ва зарурига қаноат қилиш хулқ камолотининг аломатларидандир. Кишининг ҳожатига яраша нарсага қаноат қилиши яхши ном чиқаришига, ҳаётда ортиқчалikka интилиши эса, руҳий безовталиikka сабаб бўлади.

Бундан динимиз эски-туски кийимлар кийишни, одамлар ёқтирмаган кўринишни маъқуллаб, жоҳил кимсалар каби йиртиқ-ямоқ кийим кийишга, жулдур либосда юришга чақирар экан-да, деган фикр келиб чиқмайди.

Бир киши Абдуллоҳ ибн Умардан (розиаллоҳу анҳу): “Қанақа кийим кияй?” деб сўради. У зот: “Жоҳиллар масхараламайдиган ва ҳокимлар айбламайдиганини”, деб жавоб қилди. “У қандай кийим, нархи қанча бўлиши керак?” деди у. “Беш дирҳам билан йигирма дирҳам ўртасида”, деди Ибн Умар (*Табароний ривояти*).

Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) олдиларига бир киши келди. Кийими жуда эски эди. У зот: “Молинг борми?” деб сўрадилар. “Бор”, деди у. “Қандай мол?” деб сўрадилар ҳазрати Пайғамбаримиз (алайҳиссалом). “Менга Аллоҳ таоло турли моллардан ато қилган”, деди у. Шунда Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Агар Аллоҳ сенга мол ато қилган бўлса, Унинг неъмат ва карамининг асари сенда кўриниб турсин”, деб марҳамат қилдилар (*Насай ривояти*).

Яна бир ҳадисда: “Қайси бирингизнинг имконияти бўлса, жума кунига кундалик кийимидан бошқа кийим кийсин”, дейилади (*Абу Довуд ривояти*).

Динимиз мусулмонларга безанишни ва чирой-

ли қиёфани маъкул кўради. Лекин бунда ташини бўяб, ичини хароб қиладиган, қимматбаҳо вақтини ва молини жисмини бежаш учун сарфлайдиган одам билан эътиборини ўзлигини сақлаш, олижаноб хислатларини такомиллаштиришга қаратган ва меҳнат заҳматлари билан бирга ўзига ярашган кийим кийишни унутмаган киши ўртасида катта фарқ борлигини уқтиради. Камтарлик фақат қўл қовуштириш ё хароб кийиниш эмас, балки ҳаддан ошмаслик, қўпол бўлмаслик, манмансирамаслик, кучи етса ҳам кечиримли бўлиш, ўзига эътиборни қаратавермаслик, кўп гапирмасликдир.

Бугун инсон йилнинг ҳар фаслини кети узилмайдиган кийимлар оламидаги янгиликлар билан кутиб олади. Кийимларининг буниси ёзги, унис кузги, учинчиси қишга, тўртинчиси фақат баҳорга мўлжалланган. Буниси ҳам майли, куннинг турли пайтлари учун турли кийим танлайди. Ҳатто баъзи аёллар эрларига: “Бу қўйлакни фалончининг уйига кийиб борганман, писмадончининг тўйига ҳам кийиб бораманми?” деб хархаша қилишади. Бундай иллат ўзини билганлар учун ётдир.

Ислом аёлларга тилла, кумуш тақинчоқлар тақишга руҳсат берган. Аммо тилла тақинчоқларга ҳирс қўйган ва кийиму безакларга қул бўлиб, муқаддас мақом ва бурчларини унутган аёлларнинг хатти-ҳаракатларини ёмон сифат деб қоралайди.

Аёллар учун тилла ва ипак ҳалол. Лекин уларнинг кўп вақт ва маблағни исроф қилиб, безаниш ва ўзгаларни йўлдан уришни асосий машғулотга айлантириб олишлари мақбул эмас.

Абдуллоҳ ИСМОИЛ,
мударрис

Ҳайдовчининг ҳиммати

Туман марказига бориш учун бекатда бўш турган “Дамас”га ўтирдим. Ҳадеганда тўлавермади, лекин кирачи ҳам пойлаб ўтирмади, юрворди. Йўлда бир тўда бола чувиллашиб машинани тўхтатишди. Кирачи уларни манзилларига элтиб қўйди. Болалар хурсанд бўлишиб, ҳайдовчига раҳмат айтишди...

Вужудимни ажиб бир туйғу қамраб олди. Кўп кирачилар болаларга тўхтатишмайди. Боиси — “улар пул беришмайди”. Бундай ҳолатларни кўп кўрганим учунми, бу йигитнинг ҳимматидан ҳайратландим.

— Болаларнинг дуосига қолдингиз-да! — дедим ҳайдовчига. Йигит қулимсираб қўйди. Озгина юрар-юрмас, бир воқеани сўзлаб берди:

— Бир амакини билардим. Нафақага чиқди. Бир идорага иши тушиб, лавозими каттароқ йигит хузурига кирибди. Йигит амакини иззат-ҳурмат билан кутиб олибди. Амаки бундан гоят ажабланиб, боисини сўрабди. Амаки уни кичик ўқувчи ёшида доим автобусида олиб кетар, чипта ҳақи ҳам сўрамас экан. Ўша бола учун у ҳаётидаги “энг яхши амаки” бўлган экан... Амаки бу сўзлардан қувонибди. Иши осон битганидан мамнун бўлиб, йигитни дуо қилибди.

Дарҳақиқат, болалар яхшиликни нутишмайди. Уларнинг дуосида ҳикмат кўп.

Адашали БЕКМИРЗАЕВ,
Учқўрғон тумани

Илмга қизиқтириш йўли

Илм олиш ҳар бир мусулмон учун фарз. “Ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақшдир”, дейди доноларимиз. Аммо бола-

лик ўйинқароқлиги илмга қизиқшдан устун келса-чи? Мен ҳам шундай эдим. Дарс қилишдан кўра, ўйнаш яхши эди. Бир куни тўй сабаб ҳамма қариндошлар йиғилдик. Тенглошларим ўртасида ўйинимиз авжига чиққан, ўзимизни кўрсатишга ҳаракат қилардик. Бир маҳал кичик тоғам ҳаммамизни ёнига чақирди. Қўлларидан чиройли муқовали китоб бор эди. Атрофини ўраб олиб, қизиққанча чуғурлаб, китобни кўрсатишини сўрай бошладик.

— Қани, келинлар-чи, — дедилар тоғам, — биз ҳозир мусобақа уюштирамиз. Қўлимдаги китоб алифбони ўргатувчи қўлланма, унга орангиздан биттангиз эга бўласиз. Шарти шу: бирмабир “алиф” билан “бе” ҳарфларини ёзиб чиқасиз, ким яхши ёза олса, китоб ўшаники.

Ҳаммамиз бу чиройли китобга эга чиқишни хоҳлардик. Яна қариндошлар орасида “энг билимдони” номини олиш ёмонми? Хуллас, танлов бошланди. Умримизда ёзиб кўрмаган ҳарфларни ёзишга уринардик. Шунда бор маҳоратимни ишга солдим ва “танлов” голиби бўлдим. Китобли бўлганимдан ҳам жуда-жуда қувондим. Шу кундан ўқишга қизиқшим, иштиёқим кучайди.

Тоғамнинг бу иши илмга қизиқтиришга катта туртки бўлган, келажакда илм олишимга замин яратган эди.

Фарзандингизни тез-тез рағбатлантириб туринг, то мурғак юрагида илмга қизиқиш ниш урсин. Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтганларидек: “Ҳеч бир ота ўз фарзандига яхши тарбиядан аъло-роқ совға бера олмайди”.

ШАРИФА,
Андижон



“УСУЛУШ ШОШИЙ” МУАЛЛИФИ



Усулул фикҳ (Ислом фикҳи асослари) фанига доир асарлар орасида шошлик олим Низомиддин Шоший (VII/XIII аср) тасниф этган “Усулуш Шоший” (Шошийнинг асос қоидалари) асари тадқиқотчилар эътиборини тортиб келади. Уни “Китоб алхамсин” (Эллик ёшли кишининг китоби) ва

“Ал-Мухтасар фи усулул фикҳ” (Фикҳ асосларига оид қисқача) номлари билан ҳам аташади.¹ Асар Ливан, Покистон, Ҳиндистон каби ўлкаларда қайта-қайта нашр этилган ва ҳозирда ҳам кўплаб мамлакатларда усулул фикҳ фанидан дарслик сифатида фойдаланилади. Асарнинг қўлёзма ҳамда босма нусхалари ушбу мамлакатларда ҳамда яна Токио, Қоҳира, Рампур кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

ЎзФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида асарнинг бир нечта қўлёзма ва босма нусхаси ҳамда унга битилган шарҳлар бор.²

Ушбу асар Ислом оламида кенг шуҳрат топган, лекин, унинг муаллифи хусусида турли чалкашликлар мавжуд. Бунга асосий сабаб, биринчидан, “Шоший” таҳаллусли олимлар орасида “Усулул фикҳ”га доир асар ёзганлари бир неча бўлган, иккинчидан эса, биз тадқиқ қилаётган “Усулуш Шоший” асарининг қўлёзма ва кўп босма нусхаларида муаллиф исми кўрсатилмаган. Буни ўтган асарнинг 70-йилларида Ўзбекистон ва Қозғистон мусулмонлари диний бошқармасида ишлаган марҳум олим Нодирхон Алоуддин ўғли фикрлари ҳам тасдиқлайди.³

2000 йили Муҳаммад Акрам Надвий (ҳозирда Оксфорд Ислом тадқиқотлар марказида ишлайди) тасниф этган танқидий матнига муқаддимасида Аллома Юсуф Қарзовий бундай ёзади: “Ушбу асар ўзининг илмий ва амалий аҳамиятига ҳамда Ҳиндистон ва Покистон мамлакатларида бир неча бор чоп этилганига қарамасдан, ўзига муносиб тарзда, замонавий услубда тадқиқ қилинмай келаётган эди. Мана энди Аллоҳ ушбу ишга тадқи-

қотчи дўстимиз Муҳаммад Акрамни (Аллоҳ уни ҳамшиша паноҳида асрасин) муваффақ қилди. Натижада, у ушбу китоб устида изланишиб бориб, танқидий матнини тузишга эришди. Айтишлари-ча, “ким бу китобни рўёбга чиқарса, унинг даражаси тириклай кўмилган бир бегуноҳ қизни тирилтирган билан тенг ҳисобланар экан”.⁴

Муҳаммад Акрам ушбу асарнинг кириш қисмида асар муаллифига доир қимматли маълумотларни бериб, жумладан бундай ёзади:

“Усулул фикҳга оид ушбу мухтасар асар Ҳиндистонга саккизинчи ҳижрий асрнинг биринчи ярмида кириб келган. Ушбу маълумотга катта олим ва буюк устоз, “Деҳли қуёши” номи билан танилган шайх Насирулдин Маҳмуд (в.757/1356 й.) ишора қилиб ўтган. Мана шу даврдан буён Ҳиндистонда ушбу китоб қўлдан тушмай келмоқда. Аммо кишини ажаблантирадиган нарса шундай асар муаллифи кимлигининг ҳанузгача аниқланмай қолаётганидир. Баъзи тадқиқотчилар ушбу асар муаллифини топишга уришиб кўрган бўлсалар-да, қатъий эмас. Ушбу тадқиқотчилар тахмин қилган баъзи шахслар ҳақидаги маълумотлар билан танишамиз:

1. Айримлар ушбу асар муаллифи сифатида Мисрда (ҳ.325/м.937 йил) вафот этган Исҳоқ ибн Иброҳим Шошийга ишора этишади. Масалан, Абдуллоҳ Мустафо Мароғий “ал-Фатҳ алмубийн фи табақот ал-усулийин” (Усулчи олим даражаларини очиқ баён этувчи) номли китобида уни тилга олиб, бундай дейди: “У усулул фикҳда моҳир бўлган эди ва унга оид “Усулуш Шоший” асарини ёзган”.⁵

2. Бошқа тадқиқотчилар Абу Али Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Исҳоқ Шошийни (344/955 йилда Бағдодда вафот этган) ушбу асар муаллифи сифатида кўрсаттади. Надвий ёзишича, асарнинг 1982 йилги Байрут нашри, муқаддима қисмида Абу Али муаллиф қилиб кўрсатилган.⁶ Аммо ан-Надвий Абу Алига нисбат берувчи шахснинг исмини аниқ келтирмаган.

3. Абу Бакр Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Кабир Шоший (291/904–365/976) шофий мазҳабига мансуб йирик аллома ва фақиҳ. У тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, усулул фикҳ, шеърият ва тилшунослик илмларида етук олим эди. Абу Бакр Қаффол Шоший таржимаи ҳоли деярли барча араб манбаларида бор.





4. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Абдуллоҳ Марвазий Қаффол Сағир (вафоти 417/1026 йил). У ҳам шофийий мазҳабига мансуб олимлардан, унинг таржимаи ҳолини асосан шофийий уламолар тарихлари битилган асарларда, Субкийнинг “Табақот аш-Шофийийа ал-кубро” (Шофийийларнинг юксак даражалари) асарида учратиш мумкин.

5. Бадриддин Ширвоний Шоший 752/1351 ёки 852/1448 йиллар орасида яшаган. Ҳиндистоннинг Пешовар шаҳри кутубхонасида сақланаётган асар фикристида у муаллиф қилиб кўрсатилади. Аммо унинг номи ва таржимаи ҳоли манбаларда қайд этилмаган. Бироқ шу нарса аниқки, асарни у ҳам ёзмаган. Чунки ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинасида асарнинг 728/1328 ҳамда 773/1371 йилларда ёзилган қўлёзма нусхалари бор. Бадриддин Шоший эса ушбу йиллардан кейин яшагани юқорида зикр этилди. Демак, асар унганча ёзилиб бўлган эди.

Унда асар муаллифи ким бўлган? Тадқиқотчи Надвийнинг бу борадаги фикрларига қайтсак:

6. Айтишларича, асарни Низомиддин Шоший ёзган. Ушбу фикр Панкипур (Ҳиндистон) кутубхонасининг 1501 рақамли фикристида таъкидланган ҳамда 1322 ҳижрий йили (1904) вафот этган фақиҳ Муҳаммад Жайлабий “Ҳадоиқ ал-ҳанафиййа” (Ҳанафийлар боғлари) асарида (270-бет) уни еттинчи ҳижрий асрда вафот этган ханафий олимларидан деб зикр қилган ва бундай деган: “Низомиддин Шоший мухтасар “Усулуш Шоший” асарининг муаллифи бўлиб, ўз асарининг фикр ва усул илмларида яғонаси бўлган эди. У мухтасар “Усулуш Шоший” асарини ёзди ва унга “Ал-Хамсин” (Эллик) деб ном қўйди. Унинг ёши ўша пайтда элликда эди. Шунинг учун унга шундай ном қўйди. Олимлар унинг ушбу асарини жон деб қабул қилдилар ва ҳатто дарс бериш дастурларига киритдилар”.

Аммо Жайлабий ушбу Низомиддиннинг бошқа исми ёки насаби ҳамда вафот этган йил ёки унинг устоз ва шогирдлари ҳақида ҳеч нима ёзмаган. Шу билан бирга у ҳақидаги маълумотлар манбаъига ҳам ишора этмаган”.

ЎзФАШИ қўлёзмалар хазинасида сақланаётган асарнинг қўлёзма ҳамда босма нусхалари ёзилган барча фикристларда Низомиддин Шоший муаллиф деб ёзилган. 6638 рақамли фикрида асар муаллифи “Низомиддин ибн Муҳаммадазиз аш-Шоший” деб қайд этилган.

Абдулҳай Лакнабий (1848-1887) ҳам асар муаллифи Низомиддин Шоший эканини таъкидлайди.⁷ Ушбу маълумот Худобахш кутубхонасидаги фикрида: “Бу шубҳасиз ҳақиқатдир”, дея зикр этилади.⁸ Шунингдек, турк тадқиқот-

чиларидан Фуод Сезгин “Арабча қўлёзмалар тарихи” ҳамда Муртаза Бедир илмий ишида ва ўзбекистонлик тадқиқотчилардан Аширбек Мўминов докторлик илмий ишида юқоридаги фикрларни тасдиқлаган.⁹ Нодирхон Алоуддинхон ўғли фикрича, “Усулуш Шоший” асарининг муаллифи Низомиддин Шоший Тошкентдаги Абу Бакр Қаффол Шоший мақбарасига дафн этилган.¹⁰

Ушбу маълумотлардан кўришиб туришича, асар муаллифи Низомиддин Шоший (VII/XIII аср) экани ҳақиқатдир.

Асар усулул фикрдаги асосий тўрт манба Қуръон, ҳадис, ижмоъ ва қиёсларни теран ёритиб берган. У тўрт бобга, ҳар бир боб бир неча фаслга бўлинади. Мазкур асарга турли олимлар олти тараф шарҳ ёзган.

Асарни тадқиқ этиш жараёнида “Усулуш Шоший” ёки “Китоб ул-Хамсин” асари муаллифи Низомиддин ибн Муҳаммадазиз Шоший экани ва унинг VII/XIII асрда яшагани ҳамда Тошкентдаги Абу Бакр Қаффол Шоший мақбарасига дафн этилгани аниқланди. Албатта, муаллифнинг ҳаёти ва ижоди биргина мақолада тўла аксини топмайди. Келгусида асарни ўзбек тилига таржима қилиб, қиёсий услубда ўрганиш ва илмий хулосалар билан бойитиш асосий вазифалардандир.

Абдувоҳид АҲМАДАЛИЕВ,
ТошДШИ “Исломшунослик”
кафедраси тадқиқотчиси

¹ Муминов А. “Роль и место ханафитских улама в жизни городов Центрального Мавараннахра” (II-VII/VIII-XIII вв.)//док.диссер. – Т.: ТИУ, 2003 – 66-б. (Бундан кейин: Мўминов А.).

² Қўлёзма нусхалари: 3287, 8866, 6638, 4944, 10258 рақамларда. Босма нусхалари: 11292, 11336, 11422, 11423, 12705, 11103 рақамларда. «Усулуш Шоший» бўйича ёзилган шарҳ: 6364 рақамда.

³ “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали. Тошкент, 1971, 3-сон 9-б.

⁴ Доктор Юсуф Қарзовий муқаддимаси. Муҳаммад Акрам Надвий. “Усулуш Шоший” – “Дор ал-ғарб ал-исломий”. Байрут. 2000. 1-4-бб.

⁵ Муҳаммад Акрам Надвий. 7-б.

⁶ Муҳаммад Акрам Надвий. 8-б.

⁷ Низомиддин аш-Шоший. “Усулуш Шоший”. Қарочи. Мир Муҳаммад кутубхонаси, сана кўрсатилмаган. 1-б.

⁸ “Усулуш Шоший”нинг Худобахш нусхаси. – <http://kblibrary.nic.in./Vol19.htm>

⁹ Мўминов А. – 66-бет.

¹⁰ “Совет Шарқи мусулмонлари” журнали. – Тошкент, 1971, 3-сон, 9-бет.



ДИЛОЗОРЛИКДАН АСРАСИН

Бобом раҳматлининг ибрат олса арзийдиган, мўминга хос хислатлари кўп эди. Ҳамма нарсанинг уволи бор, исрофдан сақланиш керак, дердилар у киши. Ариқдан оқиб келган нон бурдаларини четга олиб кўярканлар, афсус билан бош чайқардилар. Сувда турли чиқиндилар оқиб келса, бизга кўрсатиб насиҳат қилардилар: “Сувни ифлос қилган, ёмон нарсаларни ташлаган одам кўр бўлади. Ҳамма нарсани ўз жойига қўйишга ўрганинглр”. Биз болалар кўр бўлиб қолишдан кўрқиб, ариққа ҳеч нарса ташламас эдик. Фақат баъзи келинларнинг кўр бўлмаётганига ҳайрон қолардик. Чунки улар чиқиндиларни ариққа тўкишарди. Бу гаплардан буён қанча сувлар оқиб ўтди... Йўқ, адашдим, қанча ариқлар чиқиндига тўлиб, сув оқмай қолди десам, тўғрироқ бўлади.

Бир уни йўл юзида ажнабий йигит ва қизнинг ҳаракатларини кузата туриб, шундай ўйлар ҳаёлимдан кечди. Йигитнинг кўлида бўшаган елим идиш, тинмай у ёқдан-бу ёққа бориб келади. Бир пайт қиз кўли билан ниманидир кўрсатди, йигит ўша томонга қараб кетди. Анча узоқроқдаги қутига елим

идишни ташлаб келди. Кўпчилик ўрганган одатга мувофиқ, кўлидагини йўлакками, нарироқдаги ариққа ташламади... Ўзимча ўйладим: уларнинг ҳам менинг бобомга ўхшаган бобоси бўлса керак...

Бундан аввалроқ ҳам бир воқеа сабаб бобомнинг насиҳатларини эслаган эдим. Ўшанда ойнинг биринчи куни эди. Иш вақти тугаб қайтишга ҳозирлар нар эканмиз, ҳамкасбим сумкасию кийимларининг чўнтакларини, хонадаги стол тортмаларини ағдар-тўнтар қилиб чиқди — янги ойлик чиптаси йўқ. Йўлга чиққанимизда у эслаб қолди: “Бекатда ниманидир гижимлаб, ташлавормоқчи бўлган эдим шекилли... Демак, ўша янги “проездной” бўлган. Лекин, бекатда чиқиндилар қутиси йўқлиги учун, ерга ташлашга кўнглим бўлмай, чўнтагимга қайтариб солувдим”. Шуларни гапира туриб, ҳамроҳим: кутиб турунг, деб чопганча ишхонага кириб кетди. Тезда қайтиб тушди, юзида табассум, кўлида янги ойнинг гижимланган йўл чиптаси. “Қаранг, — дея изоҳ берди у, — қўшни хонадаги “ахлат” челаққа ташлаган эканман”. Икковимиз ҳам енгил нафас олдик. Ҳамкасбим ҳам еган музқаймоғи қоғозини, ичган суви идишини, чақилган писта пўчоқларини, қўйинги, заруратсиз нарсаларнинг бари ни жамоат жойларига ташлаб кетаверадиган айрим одамлардек гижимланган йўл чиптасини кўчага ташлаб юборганида нима бўларди? Шулар ҳақида ўйлаб, юз берган воқеа ҳикматини яхши амалли инсонларга берилажак ажр ҳам чиройли бўлишига йўйдим.

Яна бобомни эсладим — юрган йўлларида тош, шох-бутоқ кўрсалар, четга олиб ўтар, қоғозларни йиғиб, тандир ё ўчоққа ташлар, сочилган нон бурдалари, ушоқларини эрин-

май териб олар, дилозорликдан қаттиқ парҳез қилар эдилар.

Баъзан ўйлаб қоламан: бугун ҳаммамиз ҳам қайсидир маънода айрим дилозор келинларга шерик эмасмизми? Нега айнан “дилозор”? Тасаввур қилайлик, ширин хаёллар билан кетаётганимизда оёғимиз остига кўпқаватли уйлардан бирининг деразасидан улоқтирилган чиқиндилар тўла елим халтача тушса... Ёки ҳозиргина кимдир еб ташлаб кетган олманингми, бананингми пўчоғини босиб олиб, сирпаниб кетсак... Дилимиз оғрийди, тўғримасми? Дилимиз бир оғригач эса, зора кейинги сафар бошқаларнинг дилига озор беришдан тийилсак.

Интернетда ўқидим: японлар ажойиб чиқинди челақлари ишлаб чиқаришибди. Ичига чиқинди ташласангиз, челақдан ёқимли овоз чиқиб, тартибли эканингизни эътироф этар, атроф-муҳит озодалигига кўшган ҳиссангиз учун сизга ташаккур билдирар экан. Болаларга ўрнак бўлиши мўлжалланган ушбу тажрибани бутун дунё бўйлаб кенг қўллаш керакдир...

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бир ҳадиси шарифда марҳамат қилганлар: “Аллоҳ таоло покдир, покизаликни яхши кўради, У тозадир, тозаликни яхши кўради, У сахийдир, сахийликни яхши кўради. Ҳовли, сах ва турар-жойларингни тоза тутинглр...” (Имом Термизий ривояти).

Бу насиҳатга амал қилсак, чиқинди челақ билдирган миннатдорликка муҳтожлигимиз қолмасди. Чунки ушбу ҳадиси шариф ўзимизни, атрофимизни тоза тутиш билан Аллоҳ ризолигига эришувимиз мумкинлигига далолат қиляпти. Шундай бўлгач, бизга бошқа ўрнакнинг ҳожати бормикан?!

Зумрад
ФОЗИЛЖОН қизи

